Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1995 йил, 19 сентябр | 15 - сон

ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИ ЎЛЧОВЛАРИ

Одамзот ҳамкорлик ҳақида орзу қилиб келди. Лекин орзулар кўп замонлар орзулигича қолаверди. Урушлар ва турли низоларнинг аччиқ қора дудлари ичра бўғилиб ётди. Одамлар ярми шал, ярми тирик орзуларини даволашга ўзларида етарлича куч топмадилар. Талашлар, талончиликлар, бойиб олиш манфаатлари олижаноб истакларни доим бир чеккага суриб ташлайверади. Шунда динлар инсониятни иймонга чақириб, уни бутунлай умидсизликка тушиш ва йўқ бўлиб кетишдан сақлаб қолдилар. Лекин орзуларнинг рўёбга чиқмаслиги умидсизликларни кучлайтириб турaверади.

Мана ХХ асрнинг сўнгида Оллоҳнинг тенгсиз марҳамати билан инсониятнинг энг яхши ўғил-қизлари Ер юзида сиёсат майдонига чиқиб буюк империячилик шиквалари боис йўл қўйилган оғир, мушкул адолатсизликларни бирин-сирин даволай бошладилар. Фашизм империяси билан изма-из коммунизм империяси ҳам ўзини еб битирди ва қулади. Империялар тиклаган халқларни бир-биридан ажратадиган деворлар ҳам қулади. Миллатларга қарши қилинган ёвузликлар, лўттибозликлар, мафкуравий мўлтониликлар, даҳшатли жиноятлар барҳам топадиган вақт кирди. Унда-мунда ер юзида эски ва янги империя асоратлари аччиқ тутаб тургани, кўп азиз жонларни сабил қилаётганига қарамасдан, ғайратли, шижоатли, тўғри фикрли, иймонёр ва худоёр йўлбошчилар, арбоблар чиқиб, мамлакатлар, халқлар, миллатларнинг жароҳатларини даволаш чораларини қилдилар.

Озгинагина муддат ичида инсоният бу сиёсатнинг реал натижаларини ўз кўзлари билан кўрди.

Умид ва фаровонлик яна инсоният кайфиятини кўтарди. Илк бора бу умумжаҳон миқёсида рўй берди.

Янги мустақил мамлакатлардан янги руҳиятли, янги кайфиятли янги олижаноб фикрли сиёсат ва давлат арбоблари етишдилар.

Улар оз муддат ичида жаҳон сиёсатига ўз улушларини қўшдилар. Бизнинг жафокаш Осиё ўғлонлари ҳам жаҳон сиёсатининг ижодкорлари бўлиб қолдилар. Улар боис Осиё халқларининг овози ҳамма ерда жаранглади.

Жаҳон сиёсатидаги олижаноб янгиланишлар маълум даражада улар туфайли рўй берди.

Илгарилар биз буни фақат орзу қилардик. Лекин орзуларимиз империя сароблари ичра йўқ бўлиб кетарди. Миллатлар ичидан ҳақиқий маънодаги давлат ва сиёсат арбоблари етиштиришга империянинг асло рағбати йўқ эди. Халқаро дипломатия таҳсил даргоҳларида ўзбек фарзандларига ўқиш йўл бўлсин эди. Неча ўн йиллар мобайнида уларда жуда саноқли йигитларгина ўқишга муяссар бўлдилар. Лекин уларнинг ёрқин талантларига барибир кенг йўллар — миллий йўллар очилмади. Улар империя учун хизмат қилишдан бошқа чора топмадилар. Шунчалар бўғиб ташланган эди миллий равнақ йўллари. Миллий фарзандларнинг йўллари. Миллатларни ер бағирлатиб қўядиган турли серниқоб ишлар авжида эди. Ўз миллати манфаатларини ҳимоя қилишга журъат этадиган арбоблар йўқ эди ёки ўта саноқли эди.

Миллий ғоя бу — ҳар бир халқнинг, миллатнинг ўзига хослигидир. Ўзига хослик эса доимо илҳом, ижод, қобилият, иқтидорлар силсиласи демакдир. Миллатнинг ўзига хослиги мана шу дур-жавоҳирларга тенг нарсалар билангина рўёбга чиқади. Ривож топади. Миллатни бор ва сарафроз этади.

Миллатнинг равнақи жаҳон тараққиётига қўшилган ажиб бебаҳо ҳиссадир. Қаранг-а, миллатларни ана шу улуғ ҳиссадан ва улуғ ўзига хосликлардан бутунлай маҳрум қилишга қаттиқ уриниб келдилар. Буни турлича «ғоялар»ни илгари суриб оқладилар ва ҳали ҳамон оқлашга уринадилар.

Лекин шижоатли ва оқил фарзандлар ва улар воситасида бутун инсоният бу маккорликларнинг асл таги ва асл мақсадларини эндиликда тўла ва ҳар томонлама тушуниб етди. Энди маккорлар ўз маккорликлари ичра ғарқ бўлиб ётурлар. Инсоният эса олға кетади. Миллатлар озодликка чиқиб, ўзига хосликлари ва ўзига мос йўлларидан борадилар. Уларнинг ўзига хосликларидан оламнинг жозибадор ранг-баранглиги ҳосил бўлгай.

Кейинги замонларда мустақилликлар шарофати билан шундай буюк сиёсий ҳаракатлар, янгиланишлар, ўзига хосликларнинг намоён бўлишларига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Президент Ислом Каримов бундан икки йил муқаддам жаҳон ҳамжамиятининг 48-сессиясида сўзлаган тарихий нутқида Марказий Осиё мамлакатлари ва халқлари хавфсизлиги ҳамда ҳамкорлиги ғоясини илгари сурган эди.

Ўша эзгу таклиф бугун БМТ ва бошқа обрў-эътиборли халқаро ташкилотларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли амалга ошди. Тошкентда сентябрнинг мусаффо кунларида Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича халқаро семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Бутрос Ғолий, Ислом Каримов, Маҳмуд Мистирий, Холид Малик, Дессо Хорват сингари жаҳон сиёсатида кенг танилган арбоблар ўз табрик сўзлари, нутқлари ва чиқишларида бу ажойиб ғояни ҳар томонлама асослаб, ёқлаб, қутлаб чиқдилар. Халқаро хавфсизлик, ҳамкорлик ва инсон равнақининг ҳамомила янги руҳбахш ғоялари ўртага ташланди. Ажойиб назарий-амалий қимматга эга фикрлар дунё ҳаётида янги давр бошланаётганидан дарак берди десам, асло муболаға бўлмас.

Ислом Каримов, Бутрос Ғолий, Маҳмуд Мистирий, Холид Малик, Дессо Хорват ва бошқа атоқли сиёсатдонларнинг сўзларини тинглаб ўтириб, жаҳон янги асрга киряпти, деб ўйладим.

Бу чинакам ҳамкорлик асри бўлади.

Эзилган, тўзиган, ҳақсизлик ичра қолган халқлар — каттакичиклигидан қатъий назар ўз ҳақи ва ўз йўлини топадиган хавфсизлик асри бошланди.

Президент Ислом Каримов халқлар ва мамлакатлар хавфсизлиги, ҳамкорлиги минтақа миқёсида олганда ҳам, жаҳон миқёсида олганда ҳам ғоятда яхлит бир ҳодиса эканлигини илгари сурди. Бу — янги ғоя. Халқларни янги йўлга олиб чиқадиган янги фикр. Худо хоҳласа, у кўп ўтмай ўз натижаларини беради.

Мистирий ва Холид Малик жаноблари эса инсон хавфсизлиги ва превентив (яъни олдини олувчи) дипломатия ғояларини илгари сурдилар. Хавфли ҳодисалар Афғонистон, Тожикистон, Ичкария, Бўшна, Фаластинда бўлгани каби маддалаб кетмай, оғир уқубатлар чоҳига ташланмай балки учқунлаган чоғидаёқ олдини олиш зарурлиги — инсоният тажрибасига маълум бўлди. Иқтидорли ақл эгалари Тошкент семинар-кенгашида шуни умумлаштириб, назарий асосларини ишлаб чиқдилар. Тажрибалардан улуғ хулосалар чиқардилар . Бу семинар-кенгашнинг теран фикрларга тўла Баёнотида ҳам ўз аксини топди. Худога шукур, биз олижаноб сўзлар, хулосалар кетидан олижаноб амалий ишлар қилинадиган замонларга етиб келдик.

Семинар-кенгаш ишидан шундай хулоса чиқардимки, энди ҳақиқатан ҳам Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик сиёсати бошқа ва Марказий Осиё хавфсизлиги ва ҳамкорлиги сиёсати бошқа бир нарса бўлиб қолмайди.

Улар турли низоларнинг олдини олиш, мураккаб масалаларни ҳал этиш, дўқ-пўписа сиёсатларига батамом барҳам беришда яхлит сиёсий ҳодиса, сиёсий кучга айланади. Интеграл хавфсизлик системалари жаҳон хавфсизлигининг яхлит ва таъсирчан механизми бўлиб қолади. Биз барча ҳужайраларимиз билан умумжаҳон сиёсатига боғланамиз.

Ислом Каримов ўз сўзида ҳамкорлик қилиш қобилияти деган тушунчани ишлатди. Нақадар теран тушунча. Инсоният тарихда илк бора ўзининг шу ноёб қобилиятини тўла маънода ишга соладиган замонлар келаяпти.

Ҳа, миллатлар учун ҳамкорлик асри бошланяпти!

«МТ» чопари



● Беғуборлик

ОРОЛ АТРОФИДАГИ УМИД

Ер юзига саҳро ҳужум бошлади. Бу ҳужумнинг оқибатлари қанчалар даҳшатли бўлишини инсоният ўз кўзлари билан кўриб турибди. Африка, Жанубий Америка, Австралия, Осиёда саҳронинг бу ҳужумлари анча-мунча «муваффақият» қозонди. Бу инсониятга жуда қимматга тушмоқда.

Бу ҳужумларнинг энг фожиалиси Орол ва унинг атрофида рўй бермоқда. Ҳар йили камида 100 млн. тонна шўр чанг-тўзон Орол атрофига ёйилмоқда. Орол денгизи 1961 йилдан бери ўзининг сув ҳажмини 75 фоизга ва эгаллаган ерларини 50 фоизга қадар йўқотди. Агар хавфнинг олди олинмаса, 2000 йилгача Оролдан кичкинагина кўлча қолади.

18-20 сентябр кунлари Нукусда Орол денгизи муаммосига бағишланган Халқаро конференция иш бошлади.

Ислом Каримов Орол фалокати билан боғлиқ ҳодисани фақат Марказий Осиё мамлакатлари тақдиридагина эмас, бутун сайёрамизга тегишли оғриқ деб атади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили жаноб Холид Малик «Народное слово» газетасининг мухбири Раим Фарҳодийга берган интервюсида конференциядан кузатилган мақсадларга тўхталиб шундай деди:

— Нукус конференцияси Орол фожиаси миқёсларини кўриб чиқиш билангина чекланмайди. У асосан аҳволни тузатиш учун амалий чоралар белгилайди. Кўриладиган масалалар жуда мураккаб ва ниҳоятда кўп соҳаларни ўз ичига олади.

БМТ ва унинг ташкилотлари региондаги экологик муаммоларни ечишга тобора кўпроқ ўз диққат-эътиборини жалб этмоқда. Мана шу конференциянинг ўзи ҳам БМТ тараққиёт программаси ҳисобидан ўтказилмоқда.

Ушбу дастурларни рўёбга чиқаришда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Жаҳон метеорология хизмати, БМТ болалар фонди (ЮНЕСКО), Умумжаҳон банки иштироқ этмоқда. Улар Орол атрофи аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш — тоза сув билан таъминлаш, дори-дармонлар, озиқ-овқатлар етказиб бериш масалалари билан бевосита шуғулланадилар.

Нукус конференциясида Марказий Осиёнинг беш давлати раҳбарлари қатнашадилар. Олимлар, министрлар, жамоат арбоблари, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари экология, соғлиқни сақлаш, иқтисод муаммоларини кўтарадилар.

Умуман, конференцияда масалага бутунлай янгича ёндошув бўлади. Инсон ва табиат, Орол фожиаси ва умумсайёрамиз аҳволи чамбарчас яхлитликда кўздан кечирилади. Умид қиламизки, конференциянинг амалий-назарий аҳамияти жуда катта.

СИЁСИЙ ФИКР МАЙДОНЛАРИДА

КУНЛАРИНГНИ УНУТМА

Мақолларда халқлар дунёқараши ўз аксини топиши шубҳасиз. Чунончи «Етти ўлчаб бир кес», «Элинг тинч сен тинч», «Қўшнинг тинч, сен тинч», «Сабрни таги сара олтин», «Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилади» каби мақоллар асрлар давомида халқимиз ҳаётида рўй берган турли тарихий воқеликлар, тажрибалар натижасида юзага келиб, ўзбекларнинг ўзига хос бир тарихидир. Улар ўзбекларнинг тарихий дунёқараши, тарихий мафкурасини акс эттиради. Ана шу нақлларга риоя қилиб бугунги авлод ҳам ютқазмади. Юртбошимизнинг яқиндагина айтган «1996 йилдан Ўзбекистон учун юксалиш йиллари бошланади» деган сўзлари нуқтайи назаридан бу нақлларнинг мағзи чақилса, халқимизнинг нечоқлик доно эканлигига тан бермай илож йўқ. Ҳақиқатан ҳам мустақиллик қўлга киритилиши биланоқ ўртага ташланган шиор-мақолларимиз ҳам шулар бўлди. Элинг, қўшнинг тинч экан, сен ҳам осуда бўласан деган сўзга амал қилиб, юртимизни жанжаллардан сақлаб қололдик. Агар уйимизда бир жанжалга йўл қўйсак, Президентимиз таъбири билан айтганда, «Ўзбекистон энди уни кўтара олмаслигини» ўз вақтида англаб етдик. Шу тариқа икки-уч йилда Ўзбекистон нафақат собиқ совет империяси ҳудудида, балки, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, тамом дунёдаги энг барқарор ўлкалардан бирига айланди. Гарчи сўнг рўй берган иқтисодий қийинчиликлар истиқлолга ҳеч бир даҳли бўлмай, аксинча совет империясидан қолган иқтисодий «шалтоқ» эканлигини ҳамма ҳам, ҳамма вақт ҳам тўғри тушуна олмаган бўлса-да, аммо азалий нақлга кўра сабр қилди. Кейинги йиллардан бошлаб ўз ҳалол меҳнати ва қобилиятига кўра унинг меваларини иншооллоҳ, кўради.

Шу билан бирга халқимизда шундай мақоллар ҳам борки, кишини ўйлантирмай қолмайди. Масалан: ўзбеклар «отангни ўлдирганга онангни бер» дейишади. Олдиндан айтиб қўяйлик. Мазкур сўзлардан кўзланган мақсадни тушунамиз, яъни инсонни кечиримли бўлишга ундаш, кети йўқ урушжанжаллардан тийиш. Аммо барибир кишини бир савол қийнайди: наҳотки отасининг қотилига онани бериш мумкин бўлса. Саволга жавоб истаб бир фикрга тўхтамай илож йўқ: бу нақл ўтган мустамлакачилик, қуллик замонларда юзага келмаганмикан? Ҳақиқатан ҳам, қаранг: тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз топталди, буюк ватандошлар, миллатдошларимиз ҳам тўғри маънода (Қодирий, Усмон Носир, Чўлпон, Фитрат ва бошқалар), ҳам кўчма маънода (Амир Темур, «диндорлар», «босмачилар») қатл этилди. Эвазига эса биз эркимиз, ғуруримиз, нафсониятимиз, турли-туман бойликларимизни«чўздик», не-не туҳматларга туриб бердик. Бир нарсага иймон келтирмасликнинг иложи йўқ: ватан бу ота, халқ эса онадир. Мустамлака даврида биз кўрган ҳар тарафлама хўрликлар худди ана шу отадан — ватан мустақиллигидан айрилганимиздан сўнг бошланган. Бугунги кунларда биз ана шу ҳақиқатдан хулосалар чиқармоқдамиз. Лекин ўша мақол баъзида эндиги воқелигимизда ҳам намоён бўлиб қоладики, бу ҳақда гапирмасликнинг иложи йўқ.

Давоми иккинчи бетда

КУЗ СЕЗГИЛАРИ

Дунё, дунё — қўҳна тегирмон,
Ун каби элайди ҳар биримизни.
Нафасимиз — тоза, танимиз — ларзон,
Ёвшангуллар безар изларимизни.

Рақсга тушади инжа япроқлар,
Ададсиз самога кўзимни тикдим.
Нафармон ғунчалар титраган чоғлар
Осмонга талпиндим... Ерга кўникдим.

Соҳир нигоҳларнинг милтироқ чўғин
Еллардан авайлаб кўмиб ташладим.
Валийлар фикротин кўнгилга тугиб,
Абдулардай оддий яшай бошладим.

Сокинлик истадим. Хаёлим — ҳамроҳ.
Ерларга эгилдим. Кўклардан қўрқдим.
Ва лекин ҳовуздан термуларди моҳ,
Ариқларда осмон аксини кўрдим.

Яшил олам оқди нигоҳга ногоҳ,
Ширин ифорларга тирилдим чоғи.
Ақиқ товушлардан қулоғим уйғоқ,
Йилт этиб қошимга тушди бир сочим.

Лабимни ютоқиб босдим шохларга
Илдизларни силаб ўсди бармоғим.
Кўнглим, кўнглим энди тенгдир тоғларга,
Керак яшамоғим, куймоқ, кўрмоғим...

II

Раъно, Раъно, жуда гўзалсан,
Жуда ёшсан, қўрқаман, Раъно.
Сен келдингу сокин кунларим
Бўлди пурмаъно.

Бу дунёнинг тарихи қадим
Дунё — қўҳна, сен — гулисавсан.
Дунё — даҳал, сен — жуда инжа,
Кўз ёшидай тиниқсан, софсан.

Кўзинг — сеҳр, кипригинг ўқдир,
Овозингдан эриб оққанлар —
Гул олиб, пул олиб чопганлар
Ниятидан хабаринг йўқдир.

Олам — гулзор ҳам, олам — саҳро,
Осон эмас яшамоқ, Раъно.
Боғда қайчи ушлаб — кезарлар
Ва энг гўзал гулни узарлар.

Одам феъли ҳамиша жумбоқ,
Оҳуларни излар ва отар.
Тўрт томонда кезар қарға, зоғ,
Сайроқ булбул овчидан қочар.

Гўзалликка қийиндир аслан,
Мен қошингда ёшдай қалқаман.
Раъно, Раъно, жуда гўзалсан,
Жуда ёшсан, Раъно, қўрқаман...

Карим БАҲРИЕВ

«МТ»:воқеалар, хабарлар

ДУБЧЕКНИНГ ҚОТИЛИ КИМ?

Словакия Республикасининг Миллий Кенгаши машҳур давлат арбоби Александр Дубчек ўлимига сабаб бўлган автомобил фалокатини текшириш учун махсус комиссия тузди. Барча сиёсий партиялар бунга маъқулладилар.

Маълумки, 1992 йил 1 сентябрда Прага — Братислава йўлининг 88-километрида оғир автомобил фалокати юз берган эди. Жаҳонга кенг танилган атоқли арбоб, 1968 йилда «Прага баҳори» ҳаракатига йўлбошчилик қилган, 1989 йилда «барқут» инқилобининг бошида турган Александр Дубчек шу фалокат туфайли бир ой оғир аҳволда касалхонада ётиб 1992 йил 7 ноябрда ҳаётдан кўз юмган эди.

Александр Дубчек ҳаёт чоғида бош бўлган социал-демократлар партияси шунда парламент комиссияси тузиш ташаббуси билан чиқди. Партия йўллаган адвокатлар гуруҳи автомобил фалокати билан боғлиқ текширишларга ҳеч кимга ишонмаслиги ва ҳеч кимга жавоб бермаслиги, деган хулосага келди.

Шу орада Словакия телевидениесида бир қизиқ кўрсатув бўлди. Унда Дубчек тушган машинани бошқарган шофер биринчи маротаба ўз таассуротларини сўйлаб берди. Шунча йиллардан бери «руҳиятимдаги оғир хасталик туфайли гапиролмай келган эдим», деди у. Шофер ҳалокатгача бўлган воқеларни дақиқама-дақиқа баён этди. Шундан сўнг партия адвокати «фалокат олдиндан тайёрланган, шунинг учун гап Дубчекка қилинган суиқасд ҳақида боради», деган фикр чиқарди.

Маълум бўлишича, фалокат арафасида Дубчек Москвага КПСС иши бўйича судга чақирилган экан. У судда сўзга чиқиш учун тайёргарлик кўриб қўйган.

Дубчекнинг қўлида бўлган барча шу ишга алоқадрр ҳужжатлар ўша 1 сентябр куни машинада, унинг ёнида бўлган. Лекин сирли тарзда йўқолган. Ҳалокат рўй берган жойда улар топилмаган.

Дубчекдан кейин кетмакет Варшавада Полша собиқ премер министри Петр Ярошевич ҳам ҳалок бўлди. У ҳам худди Дубчек сингари КПСС иши бўйича гувоҳ тариқасида Москвага чақирилган экан.

БЕГУНОҲ ЎЛГАНЛАР ҚАЙТИБ КЕЛАРМИДИ?

Швейцария аэроклуби Болтиқда шарда учиш бўйича халқаро мусобақа уюштирган эди. Шарларнинг учиб ўтиш эҳтимоли бўлгани учун Белорус ҳукумати ҳам бу борада олдиндан огоҳлантирилган эди. Мусобақада қатнашаётган ҳаво шарларидан бирини шамол оқими Белорус томонга суриб келди. Береза деган қишлоқ тепасида бу ҳаво шарини белорус ҳарбийлари ўққа тутдилар ва уни ерга уриб туширдилар. Ҳаво шари ичида АҚШнинг мусобақада қатнашаётган икки кекса фуқароси бор эди. Уларнинг мутлақо ҳеч қандай қуроллари йўқ эди. Тинчгина учиб бораётган ҳаво шари нега уриб туширилди, нега икки бегуноҳ АҚШ фуқароси ўлдирилди? Одамнинг ақли бовар қилмайдиган бу жиноят дунё аҳлини ларзага солди. Белорус президенти АҚШ Президенти олдида узрхоҳлик қилди. Фожеани текшириш ва айбдорларни жазолашга ваъда берди.

АМЕРИКА ЭЛЧИХОНАСИНИНГ АЙБИ НИМА?

Москвада Америка элчихонаси биносига қўшни бино тепасига жойлашган граната ҳеч кимга ишонмаслиги ва ҳеч кимга ишонмаслиги ва ҳеч кимга ишонмаслиги ва

*** Истак ва имконият мутаносиблиги * Яшаш — билиш демакдир * Энг катта парадокс * Мутлақ ҳақиқат бор! * Иймон икки хил бўлмайди.**

Инсон табиатида яхшироқ ва узоқроқ яшаш майли кучли. Бироқ яхши ва узоқ яшаш ўз-ўзидан осон кечмайди. Бу йўлда кўндаланг бўладиган қийинчиликлар, зиддиятлар, тўқнашувлар, ечими топилмайдиган муаммолар баъзан шу қадар қалашиб кетадики, мураккабларнинг кўп-камлиги, кескин-нокескинлиги кўзланган мақсад-муддаонинг нечогли реаллигига, нечоғли асосга эгалигига, умумлаштириб айтсак— истак ва имконият мутаносиблигига боғлиқ.

Инсон табиатидаги муҳим майллардан яна бири мақсадга осонроқ, енгилроқ эришиш илинжи. «Жон чекмасанг жонона қайда!» — деган ҳикматни эзиб ичган донишмандлар ҳам мумкин қадар жон койитмай ёр васлига етишмоқликни кўзлайдилар. Моҳиятан қоралаб бўлмайдиган бу майлни қондириш учун одамга тадбиркорлик, устомонлик малакаси берилган.

Тадбиркорлик, ишбилармонлик — тажрибанинг синовлардан омон ўтган ўзаги!

Табиат билан, атроф-муҳит билан уйғунлик мақомида яшайдиган паррандаю дарранда учун инстинкт тадбиркорлик вазифасини ўтайди. Улар учун инстинкт — яшаш тамойили. Инстинктдан қанчалик тўғри фойдалана билиши уларнинг узоқроқ ва яхшироқ яшашини таъминлайди.

Яхшироқ ва узоқроқ яшаш истаги инсонда ҳам инстинкт даражасида шаклланган, фақат бошқа жондорлар инстинктидан фарқли ўлароқ инсоний инстинкт унинг онги, тафаккури измида ҳукм суради. Онг, идрок, тафаккур иштироки боис яхшироқ ва узоқроқ яшаш тушунчаси ҳар кимда турлича шаклланади.

Инсоният тарихида э-энг катта ва мангу муаммо ҳам тушунчалардаги ана шу хилма-хилликлар орасида уйғунлик ришталарини топиш, соддароқ айтганда, одамларнинг бошини бир мақсад йўлида қовуштириш дир.

Инсон ақл-идрок шарофати билан мўътабар зот мақомига кўтарилди ва, буни қарангки, ақл-идроки туфайли касофат дардга — ўзаро тил топиша олмаслик дардига мубтало бўлди.

Инсон зотига даҳлдор энг катта парадокслардан бири шу!

Мазкур парадокснинг ғурбат жойи шундаки, ўзаро тил топиша олмасликдек тузалмас дарддан халос бўлишнинг бирдан-бир чораси ҳам фақат ақл-идрок, тафаккур воситаси-ла топилгусидир.

Демак, одамнинг ҳар қандай яхши-ёмон хатти-ҳаракати, амали ақл-идрокка боғлиқ. Ақл-идрокнинг мазмун-моҳияти эса билишдан, билишга интилишдан иборат.

Нимани билиш керак? Англанмоғи зарур бўлган ҳақиқатларнинг муҳимидан номуҳимининг фарқи нимада?

Не-не донишмандлар ҳаётнинг мазмунини ўзларича талқин қилиб ўтганлар. Ҳар бир кашфиёт, ҳар бир ихтиро дунёнинг муайян бир синоатини аён этиб ақлларни лол қолдираверган, бироқ мутлақ ҳақиқат жамолини кўриш ҳеч кимга насиб этмаган. Зеро, мутлақ ҳақиқат инсон ақл-идроки, саъй-ҳаракати билан эришиладиган нафса ё манзил эмас. Мутлақ ҳақиқат сари ИНТИЛИШ, унинг васлига етмоқлик УМИДИ бор. Шу умидда инсоний комиллик поғоналаридан кўтарилиб бориш мумкину, уни забт этишнинг чораси йўқ. Чунки ҳаётнинг мутлақ ўзгармас мазмунини ўзида мужассам этган мутлақ ҳақиқат — иймон!

Ҳар ким умрнинг мазмунини ўзича талқин этади. Шундан келиб чиқиб ҳақиқат — нисбий, мутлақ ҳақиқат йўқ, деган хулосалар шаклланган. Такрор айтишга тўғри келади: умрнинг жавҳарини аниқлаш учун «узоқ»қа боришнинг ҳожати йўқ, зеро, умрнинг жавҳари ҳам иймон!

Эътиқод ҳурлиги берилгач кенг омма ислом дини қадриятларига нақадар ташна ва муҳтож эканлиги яққол кўзга ташланди. Орада ўтган уч-тўрт йил мобайнида тақлидий эътиқод ва тақвонинг зоҳирий шартларига амал қилиш кучайди. Бу ҳолнинг табиий жараёнлигини эътироф этиш билан бир вақтда ислом — билиш ва дунёни англаш илми ҳам эканлиги одамлар томонидан нисбатан секинлик билан фаҳмланиб бормоқда. Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар ҳикматини, ўтмишда яшаб ўтган буюк алломаларимиз меросини ҳозирги турмуш билан боғлиқ кенг қамровли талқинларда баён этиб берадиган араб Саид Қутб ва Муҳаммад Қутб, турк Бадиуззамон Саид Нурсий ва Аҳмад Шоҳин, рус Павел Флоренский ва Александр Мен тоифасидаги замондош уламоларимиз ниҳоятда сийраклиги аён бўлди.

Бир қатор файласуф олимларимиз дин «ҳудуди»га бош суқиш билан бу бўшлиқни тўлдиришга уринишмоқда. Бундай уринишлар натижасида ўзбек Бердяевлари, Соловёвлари етишиб чиқса ажаб эмас. Фақат, гап шундаки, ислом дини моҳияти, фалсафаси доирасида баҳс юритиш учун билимнинг ўзи кифоя қилмайди, зеро, исломий эътиқод қалб, руҳ мулкига айланган кишигагина ўз ҳақиқат дарвозаларини очади. Бинобарин, ҳозирга қадар атеист ёки атеист-файласуф сифатида суяги қотган ва қалб амри билан эмас, кўпроқ давр тақозоси туфайлигина тадқиқ объектини кенгайтирмоққа уринаётган файласуфлар энг нозик ўринларда қовун туширишлари хавфи йўқ эмас. (Ушбу мулоҳаза исломий мавзуларда эътиқоди ва қаламини синаб кўраётган ёзувчи ва шоир дўстларимизга ҳам тааллуқли). Чунончи айрим файласуфларимиз чиқишларида иймон иккига ажратиб талқин этилмоқда. Яъни, илоҳий иймон, дунёвий иймон бўлармиш. Бундай тушунча, янглишмасам, марксча-ленинча фалсафадаги идеализм ва материализм тушунчаларининг замонавий кўринишига ўхшайди.

Иймон икки хил бўлмайди. Коинотни мутлақ уйғунликда мавжуд қилиб турган мутлақ ҳақиқат битта, иймон ҳам битта. Тўғрироғи, ўша мутлақ ҳақиқатнинг ўзи— иймон! Янада тўғрироғи, мутлақ ҳақиқатни унинг Яратгувчиси билан бирга тан олиш — иймон!

Инсон — мутлақ ҳақиқат даражасига кўтарилган буюк мувозанат ичра бир зарра! Ҳамма гап ана шунда — инсоннинг мазкур мувозанатга нисбатан тутган ўрнида!

Ҳар банданинг ҳар лаҳза умри Коинот аталмиш улкан қаср ичида, унинг ичида кечадиган барча жараёнлар билан чамбарчас боғлиқликда ўтади. Коинот яралганидан буён ягона қонуният асосида мавжуд. У ўз Ихтирочиси томонидан чизиб берилган чизиқдан четга оғишмайди. Ана шу чизиқдан ҳосил бўладиган тартибот — мутлақ ҳақиқатдир.

Инсон қаерда яшайди?

Ана шу мутлақ мувозанат оғушида! (Инсон ҳатто вафотидан кейин ҳам Коинот мавжудлигини таъминлаб турган ушбу тартиботдан четга чиқмайди, балки унинг бошқа қиёфага ўтган зарраси сифатида «яшаш»да давом этади). Шу боис инсон ўз хоҳиш-иродасидан ташқарида бўлган Коинот ҳақиқатларига бўйсунишга мажбур. Инсон мутлақ мувозанатга даҳл кўрсатолмайди, аксинча соғ-носоғлиги, уқуви-уқувсизлиги, қанча умр кечириши ва ҳоказо-ҳоказолари муталақ мувозанат измидан ҳоли қолмайди.

Унинг ожизлиги шу!

Йўл-йўлакай хулоса чиқаришга уринсак, ҳар банданинг Коинот уйғунлигига, Коннот мувозанатига ҳамоҳанг умр кечириши ҳамда мазкур мутлақ мувозанатни Яратган куч— Илоҳни тан олиши Иймон бўлади. Ушбу мувозанатга (яъни, иймонга) муносиб яшаш, унга уйғунлашиб кетиш ниятидаги ва ҳаракатидаги одам иймонли ҳисобланади.

Бу— ғоятда уйғоқ, бениҳоя теран ақл ва руҳ уйғунлиги демакдир. Иймон чўққисига олиб чиқувчи ақл ва руҳ сўқмоғи бошқа-бошқа томонда эмас. Ҳақиқат сўқмоғи битта, у — руҳ ва ақлнинг мўъжизакор қоришмаси тўшалган сўқмоқдир. «Динсиз фан — майиб, фансиз дин — сўқирдир» (А. Эйнштейн) каби ҳикматлар ушбу ҳақиқат ҳосиласидир.

*** Иймон ҳақиқатининг икки қаноти * Шахслашувнинг долзарб шартлари * «Ўзбек феномени» нима? * Ўзбекона ахлоқнинг умумбашарий мавқеи * Мавжланаётган уммон.**

Юзаки қараганда, иймонни бу тарзда талқин этиш амалиётдан йироқ мавҳум фалсафабозликдек туюлади. Йўқ, иймон ва у ҳақдаги қарашлар нечоғли илоҳий, самовий бўлмасин айни вақтда уларнинг бари у қадар заминий ва ҳаётий ҳамдир.

Иймон ҳақиқатига етишмоқликнинг икки йўли — муҳаббат ва қўрқув тенг аҳамиятга эга.

Иймонли кишида нафратдан кўра муҳаббат кучли бўлади. Унинг қалби муҳаббат билан банд. Қалби муҳаббат-ла тўла инсон нафратга лойиқ ишларга қўл уролмайди. Фарзандига меҳр қўядими, аҳли аёлигами, касб-коригами... табиат мўъжизаларигами — буларнинг бари, пиравордида Мутлақ мувозанатга нисбатан муҳаббатга айланади. Одам қалбидаги мўъжаз муҳаббати билан Коинотнинг улкан такрорланмас мувозанатига уйғунлашган ҳолда ўша мувозанатнинг мустаҳкамланишига ҳисса қўшади. (Олий даражада яхшилик қилиш, олий мақомда яхши яшаш ана шундай бандаларга насиб этади).

Қўрқув-чи?

Заминий, жўн қўрқув назарда тутилмаяпти. Инсонийлик мартабасини улуғловчи олижаноб қўрқув ҳақида бормоқда сўз.

Қуралай кўзли болажонини эмизаётган оҳуни милтиқ билан мўлжалга олаётган ёки оддий меҳнаткаш ҳақига хиёнат қилаётган киши (браконьер ё кисавур) қўлга тушишдан эмас, ўз қилмиши билан Коинот мувозанатига путур етказаётганидан чўчиса, бу, олижаноб қўрқув мақомига етади. Бундай қўрқув туйғуси бўлган одамни қонуний жазо билан ҳушёрликка чақиришнинг ҳожати қолмайди, демак, у ўзгалар назаридан ҳоли қолган тақдирда ҳам ёмонликка қўл урмайди.

«Ватанни севмоқ иймондандир» деган ҳикмат замиридаги ҳам руҳий-эътиқодий, ҳам конкрет-амалий моҳиятни шу нуқтаи назардан кенгроқ идрок этишга тўғри келади. Зеро, олий ҳақиқат аршига бўлган юксак муҳаббат она-ватан муҳаббатидан бошланади. Иймоний камолотини кўзлаган одам ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз ватанига хоинлик қилолмайди. Бунга йўл қўйишдан қўрқади, негаки, жуғрофий маънодаги ватанни англаб етмай туриб илоҳий маънодаги руҳий ватан васлига етмоқлик маҳол! Ватанига (халқига) хиёнат иймон заифлиги белгиси ҳисобланади.

Назарда тутилаётган ҳаётбахш муҳаббат ва саодатли қўрқувни зинҳор бачаналаштириб юбормаслик керак. Бунга йўл қўймасликнинг бирдан-бир чораси тушунган ҳолда муҳаббатли бўлиш, англанган ҳолда қўрқиш. Кўр-кўроналикдан, мутаассибликдан йироқлашиш.

Жамиятимиз ўтиш даврида яшамоқда. Бундай масъул паллада, юртбошимиз уқдирганидек, миллат ўз тақдирини ишончли, билимли ва ғайратли ШАХСларга топширмоғи ниҳоятда муҳим.

Инсоният тарихида ҳар бир давр ШАХС зиммасига конкрет вазифалар юклаган. XXI аср бўсағасида истиқлол йўлини тутган Ўзбекистон ўз фуқаролари орасида шахслашув жараёнини авж олдириш эҳтиёжи билан яшамоқда. Шахслик мартабасининг азалий ва ўзгармас шартлари ҳозирги шарт-шароитдан келиб чиқилган ҳолда янгиланмоқда.

Хўш, Шахс олдига қандай талаблар қўйилмоқда?

Мустақил фикрлаш, ўзига ишониш, ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият. Мустақиллик тафаккурини миллий психология таркибига сингдириш.

Мазкур талабларнинг ҳар бири оддий фуқаро психологиясида Шахслашув жараёни бошланишига туртки беради. Ватанга, халқига садоқату муҳаббатдан бошланган шахслашув пиравордида Мутлақ мувозанатни чуқур ҳис қилишга олиб чиқади. Оддий инсоний ахлоқ иймон мақомига кўтарилаётганидан келиб чиқсак шахс камоли учун зарур ҳисобланаётган ушбу талаблар тўғридан-тўғри иймон мустаҳкамлигига олиб боради.

Шахслари кўпайган миллатнинг халқ сифатидаги нуфузи ортади. Шахс кўпайгани сайин миллий маънавий бутлик юзага келади. Шу тариқа миллат феномени шаклланади. Миллат ШАХСга айланади!

Япон феномени, Жанубий Корея феномени тилдан тушмаяпти. Хитой мўъжизаси, Чили мўъжизаси тобора кўпроқ диққатни тортмоқда. Ички муаммоларни устомонлик билан бартараф этиш ва саодатли ҳаёт тарзини йўлга қўйишда Олмония ўзига хос ўрнак кўрсатмоқда.

Тилга олинган бешала давлатда ҳам шу миқёсга кўтарилиш уч-тўрт йилда юз бергани йўқ, албатта. Унинг сабаблари оз ҳам эмас. Фақат бир нарсага ишончимиз комилки, жамият юксалишининг бош омилларидан бири ўша мамлакатларда шахс тарбияси тўғри йўлга қўйилган. Жамият ва шахс муносабатида энг мақбул ва адолатли тизимлар амалга оширилган. Ҳамма, ҳозиргина айтганимиз, миллат ўз тақдирини, ҳар бир соҳани ишончли, билимли ва ғайратли шахсларга топширган.

Бизнинг юртимизда ҳам худди шундай жараёнлар кечаётганига, чуқурлашиб бораётганига умид боғлагинг келади. Эртами-кечми дунё афкор оммаси орасида «ўзбек феномени», «Ўзбекистон мўъжизаси» деган иборалар оғиздан-оғизга ўтади. Кейинги 4-5 йил асносида юртимизда олиб борилаётган сиёсат ўзагида пухта бир изчиллик сезилаётгани шундан далолат бермоқда. (Буни очиқ-ойдин кўраётганлар бор, сезаётганлар бор, ўзини кўрмасликка олаётганлар бор. Ошкора тан олмаётганлар ҳам йўқ эмас).

Инқилоб йўли билан инсониятга роҳат-фароғатли ҳаёт ваъда қилиш, «бир зумда» саодатга эришириш хаёли — хаёлпарастлиги не-не жамиятларга аксинча вайроналик келтирмади. Бизнинг юртимизда ғарбона инқилоб йўли эмас, одамларнинг қон-қонига сингган шарқона мунтазамлик ва изчиллик йўли, сабр-тоқат ва вазминлик йўли танланди.

Улкан адабиётшунос аллома В. Белинский халқ ва миллат иродаси хусусида мулоҳаза юритаётиб, «Ҳар бир халқ инсоният ҳаётининг бирорта — у ёки бу жиҳатини ифода этади» деб ёзган эди. Хўп, ўзбек умуминсоний қадриятларнинг қай бирини (қай бирларини) ўзида кўпроқ мужассам этган? Ўзбек миллати инсоният бисотини биринчи навбатда қайси фазилатлари ҳисобига бойитиши мумкин?

Иймон мақомига кўтарилган ахлоқий қадриятлари ҳисобига! Ҳеч бир иккиланмай айтиш ва фахрланиш мумкинки, соф Шарқона, соф ўзбекона ахлоқ тушунчаларимиз асрлар синовидан ўтган олтин ёмби янглиг ер юзидаги италган халқ табиатидаги эзгу орзуниятларга вобаста бўлиши муқаррар. Чунки бизнинг тасаввуримиздаги ахлоқ миллий маҳдудлик доирасида чекланиб қолмаган, балки у Иймон чўққиси талабларидан келиб чиққан бўлиб, у нафақат ўзга халқ ва миллатлар руҳида, айни чоғда Мутлақ мувозанат, Мутлақ уйғунлик мақомида жилоланиши мумкин. (Таниқли файласуф олим, профессор Иброҳим Каримов «эзгулик мафкураси» деган истилоҳни ўртага ташлаганлари шу маънода ҳам бежиз эмаски, ўзбекона ахлоқ замирида ҳамма вақт эзгулик ётади. Бошқача айтганда, ахлоқий тушунчаларимиз Коинот мувозанатини сақлаб турган илоҳий ва заминий эзгулик туйғуларидан келиб чиққан).

Эндиги вазифа, шу қадар улуғ, бемисл қадриятларимизни қайта тиклаш. Уларни кундалик, одатий турмуш тарзимизга айлантириш. Шу билан бирга замон талабига қулоқ тутиш. Замон талаби нимадан иборат?

«Исломий қадриятлар билан бир қаторда Коинот сиру асроригача бўлган дунёвий билимларни ҳам теран ўрганиш»дан иборат!

Президентимиз китобидан олинган мазкур сўзлар Мутлақ уйғунликка олиб борувчи икки қаонотни — руҳ ва ақл тарбияси зарурлигини ифодалагандек бўлади. Бу, бугун топилган ҳақиқат эмас, бу, Қуръони каримда бот-бот такрорланган, эслатилган ҳақиқат. Зеро, чин иймон одамларни ҳар икки дунё саодатига мушарраф бўлишлик йўлини кўрсатади. У дунё саодати учун бу дунё, бу дунё фароғати эвазига у дунё жаннатидан воз кечиш исломга, демак, иймонга зид. Тафаккурли одамлар буни яхши биладилар. Билганлари сари янада кўпроқ билишга уринадилар. Билишга ташна одамларнинг яшаш тарзлари ҳам ана у ташналикдан келиб чиқади. Ҳар ким ишончига яраша яшайди, яшаш тарзига яраша ишонади...

... Ҳаётимизнинг ҳар бир куни тафаккурли кишиларимиз олдига янги-янги вазифаларни қўндаланг қўймоқда. Ҳақиқий фикр эгаллари энг ўткир муаммолар юзасидан-да баҳс-мунозарага киришишдан чўчимайдилар. Миллий онг, миллий тафаккур бамисоли тубсиз уммон янглиғ солланиб, мавжланиб тураверади. Фақат у фидойи ва маърифатли тадқиқотчиларига — нодир инжулар териб чиқишга қодир ғаввосларига зориқмаслигини истайди, қўнгил.

Фалсафий гурунг

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

ҒАВВОСЛАРГА ЗОРИҚҚАН УММОН

Адиблар — Х.Султон, Х.Дўстмуҳаммад ва Н.Эшонқул

ҲАМЛЕТНИНГ ДЎСТИ

ЁХУД ТАНИҚЛИ САНЪАТКОР БАҲОДИР ЙЎЛДОШЕВНИНГ 50 ЁШЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУХТАСАР СЎЗ



Санъатимизнинг уч баҳодири — Ғ.Брим, Ш.Бурҳонов ва Б.Йўлдошев

«Мен яратаётган спектакларимни дастлаб тушимда кўраман. Менинг ҳар бир спектаклим, бу — менинг тушим». Машҳур режиссёр Баҳодир Йўлдошевнинг ушбу сўзлари замирида қандайдир сир, бир мужда бордек туюлади. Лекин у сирни ҳеч маҳал ошкор этмайди. Эҳтимол, унинг ўзи ҳам бунинг асл сирини билмас. Адабиёт ва санъат тарихидан маълумки, кўпгина катта истеъдодлар ҳаёти ва ижодида ҳам шундай ғайри табиий ҳоллар рўй берган. Ҳар қалай бўлажак саҳна асарининг тушда аён бўлишида кишининг ақли етмайдиган нимадир бор. Майли, ҳозирча фан туш сирларини ўрганаверсин. Баҳодир Йўлдошевнинг эса тушларига яратилажак ажойиб спектакллар киравер-син.

Баҳодир Йўлдошев ўзига ёқмаган, кўнглига ўтирмаган асарни саҳнага қўймайди. Бундан айрим драматурглар нолиб, ноўрин хафа бўлиб юришади. Агар у қўлига тушган асарни саҳналаштираверганида (бундай бўлишдан худо асрасин) унинг истеъдоди ҳеч қачон бу қадар ёрқин қирралари билан намоён бўлмасди, ўзбек театри оламида кенг кўлами, саҳна уфқи билан кўзга ташланмасди.

Халқимизда «фалончининг феъли бор» дейишади. Баҳодир ака шундай феъллик инсон ва ижодкор. Феъли тортмаган кўчадан юрмайди. Феъли хушламаган давраларга қўшилмайди. Унинг ҳаёти, турмуш тарзи, бутун борлиғи, — қўйингки, тириклиги — театр. Баҳодир акани қачон изласангиз, театрдан топасиз. Мабодо театрдан топилмаса, албатта Каттақўрғонга — ота-онаси ҳузурига кетган бўлади. Лекин Каттақўрғон қанчалар катта бўлмасин, узоқ туролмайди, дарҳол Тошкентни, жонажон театрини соғинади. Бир суҳбатида Баҳодир Йўлдошев шундай дейди: «Театр санъати жонини шу соҳага бағишлаган кишигагина яхши тушунарли. Биласизми, мен учун кундуз — қоронғу, кечалари эса ёруғдир. Чунки биз кечалари билан театрда яшаймиз, спектакл яратамиз. Бир спектакл томошабин назарида ҳар куни такрорлангандек бўлади. Аслида ундай эмас. Спектакл ҳар куни янгиланиб, ҳар куни қайта туғилади... Театр мен учун тақдир, менинг изтиробларим, менинг изланишларим...»

Ҳақиқатан, Баҳодир аканинг тақдирига театр битган. Лекин унинг театрдаги ёниб изланишлари, чеккан изтироблари ҳеч қачон беиз кетгани йўқ. Бу театрнинг репертуаридан ўнлаб сара спектакллар ўрин олган: «Нел минораси», «Қароқчилар», «Рўйхатларда йўқ», «Юлдузли тунлар», «Келинлар қўзғолони», «Ғариблар», «Бўронларда бордек ҳаловат», «Тарих тилга кирди», «Қора камар» ,»Майсаранинг иши», «Искандар», «Фаридун», «Қитмир»... Ўзбек миллий театрининг ушбу ажойиб саҳна асарлари аллақачон томошабинларнинг маънавий мулкига айланган. Миллат маънавияти учун хизмат қилган асарларнинг умри боқий.

Баҳодир Йўлдошев талантининг яна бир ибратли томони шундаки, у янги спектакл яратиш билан бирга ҳали ижод йўли очилмаган актёрларни ҳам кашф этади. Унинг ҳар бир янги саҳна асарини кўргач, бунга ҳаммамиз гувоҳ бўлганмиз. Афсуски, Б. Йўлдошев режиссураси, маҳорат сирлари ҳали театршунос, етук мутахассислар томонидан чуқур ўрганилмаган, саҳналаштирган спектакллари ибратли таҳлилдан ўтмаган. Эҳтимол бу учун вақт керакдир ёки шундай театршуносларнинг пайдо бўлар, ҳар қалай Баҳодир Йўлдошев режиссура мактабининг маҳорат сирлари тўла очилмаган.

Адабиётшунос Наим Каримов билан «Тафаккур» журналида қилган суҳбатида Баҳодир ака бир ўринда шундай дейди: «Ҳамлет — менинг дўстим. Мен ҳар тонг унинг ёди билан уйғонаман, у билан бирга дунёдан нафратланаман ва у билан бирга шу дунёни севаман.

Театр мен учун — Алишер Навоий. Афсуски, мен Навоий билан кеч учрашдим...»

Баҳодир аканинг дўстлари кўп. Уларнинг орасида олимлар, врачлар, композиторлар, рассомлар, шоирлар, қўйингки, анча-мунча соҳаларнинг одамлари бор. Лекин у дўстлари орасидан дўсти Ҳамлетни излайди. Дарду дилини, изтиробу қоувончларини унга тўкиб солмоқчи бўлади. У ана шундай туйғулар билан Ҳамлетни асосан саҳнада кўришни истайди. Агар билсангиз, режиссёр ўз дўсти билан саҳнада учрашиш лаҳзаларини қанчалар орзиқиб кутяпти.

У кеч бўлса ҳам, Навоийдек буюк зот билан учрашганидан бениҳоя хурсанд. Бу чексиз қувончнинг натижалари аста-секин саҳнада намоён бўлиб боришини жуда-жуда истаймиз. Саҳнага рўбарў бўлганда унинг ақли янада тиниқлашади, янада тўлишади, янада теранлашади. 50 ёшдаги ақл билан 30 ёки 40 ёш ўртасидаги ақлнинг фарқи бор. Бу ақл театр санъатининг уфқлари нақадар кенглигини кўрсатиб турибди.

Ўзбек театрининг жаҳон саҳналари сари дадил одимлайдиган вақти келди. Бунда Баҳодир Йўлдошев истеъдодининг ҳали очилмаган, томошабинлар билмаган қирралари бетакрор намоён бўлади, деб чин дилдан умид қиламиз.

Ашуралй ЖЎРАЕВ

КУНЛАРИНГНИ УНУТМА

Боши биринчи бетда

Шу йилнинг ёз фаслида Тошкентнинг чоризм томонидан забт этилганига роппа-роса 130 йил ўтди. Нима бўлганда ҳам, қанчалик чуқур ва узоқни кўзлаб ўйланганда ҳам барибир ота-оналаримиз ҳурмати бир оғиз сўз билан уни хотирлаб қўйишимиз ҳам фарз, ҳам қарз эди. Аммо, биз бундай қилмадик. Қизиғи шундаки, (ё, раб!), жавоби кечикмади. 9 сентябр куни «Останкино» телевидениеси орқали бериладиган «Время»да Амир Темурнинг Елец шаҳри тарихида «тутган ўрни»га ниҳоятда қисқа ва «ёрқин» баҳо берилди. Қаранг, биз минг хотирдамиз, бошқалар бир хотир ҳам қилмади. Бу илмий мақола эмас. Гап берилган «баҳо»да ҳам эмас. Мақсад халқимиз донолигининг таги нечоқлиқ теранлигини тушуниб олишда.

Туркистон забт этилишининг тарихий-илмий масаласи бугун ниҳоятда долзарб. Агар айниқса унга биз кенг қулоч ёзиб бораётган «Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракати орқали назар ташлагудек бўлсак, мазкур долзарблик янада кучаяди. «Миллий тикланиш» газетамизнинг биринчи сонида чоп этилган «Туркистон — умумий ва ягона халоскоримиз» мақоламизда бу ҳаракат йўлида ҳали тўсиқлар пайдо бўлиши мумкинлиги ҳақида ишора бергандик. Бундай дейишимизга асос бор эди. Зеро, ўша пайтда биз шу йилнинг сентябр ойида Душанбеда «Россиянинг Марказий Осиё халқлари тарихий тақдирида тутган ўрни» мавзусида халқаро конференция ўтказилиши ва унинг биринчи масаласи «Марказий Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши» эканлигини билардик. Марказий Осиёда давлатлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқларнинг азалий бирликларини таъминлаш учун кенг йўл очиш борасида каттадан-катта эзгу ниятлар, савобли ишлар қилинаётганда бундай «тадбир» қитмирликнинг ўзгинасидир. Бундай қитмирликларга узил-кесил чек қўйишнинг воситалари бор. Чунончи, нега Тошкентда шу масалага доир халқаро илмий конференция чақирмайлик ва унда узил-кесил бир қарорга келмайлик? Бу билан биз бу қитмирликдан батамом қутулардик. Ҳали ҳам вақт ўтмади. Халқимиз бекорга «ҳечдан кўра кеч» демаган.

Биз келажакда давлатимизни буюклик мавқейига кўтармоқчимиз. Буюкликда эса албатта зарб бўлади. Зарблилик эса бирдан келмайди, шаклланади, тарбияланади. Вақтида намоён бўлган зарб сиёсатга куч бағишлайди. Ортиқча эҳтиёткорлик ва мулоҳазакорлик қўрқоқликка йўнилиб, ночорларни шердил қилиб қўйиши мумкин. Ҳар бир халқ тарихий тараққиёт йўлида шундай қадриятлар борки, жамиятнинг муайян замондаги аҳволидан қатъи назар улардан бир лаҳза ҳам юз ўгириб бўлмайди. Зеро, ана шу лаҳза унинг келажаги учун кўзгу бўлиб хизмат қилади.

Худо хоҳласа, бизнинг энг бахтиёр йилларимиз олдинда ва яқин. Ана шундай замонлар арафасида турарканмиз, киши сўзни яна халқимиз ижодидан бир қатра билан тугатмоқни истайди: «Кўрган кунингни унутма, эски чоригингни қуритма».

Азамат ЗИЁ

АВВАЛ ИҚТИСОД

Дунёда истеъдодсиз одамнинг ўзи йўқ. Кимнинг салоҳияти у соҳада, кимники эса бу соҳада.

Босқичма-босқич ўтаётганимиз бозор иқтисоди яна бир соҳа — ишбилармонлик ва тадбиркорлик ҳам айрича қобилият талаб этишини кўрсатди. Ҳамма ҳам тадбиркор бўлавермас экан. Ахир, халқимиз бежиз «Пул топгунча ҳисоб топ», деб айтмаган-да.

Таъбир жоиз бўлса, бозор ўзининг «тишларини» кўрсата бошлаётган кунлар ҳам етиб келди. Куни кеча матбуотда зарар келтириб ишлаётган корхоналарнинг хўжалик-молиявий фаолиятини текшириш бўйича республика ҳукумат комиссиясининг ахборотини ўқигандирсиз. «Банкротлик тўғрисида»ги қонунга асосан синди деб эълон қилинган корхоналар руйхатини қаранг. Унда не-не номлари дабдабали савдо фирмаларидан тортиб, ҳиссадорлик жамиятларигача бор...

Яхшиям ҳукуматимиз «кучлиси енгиб чиқсин» деб ҳамма нарсани ўз ҳолича ташлаб қўймаган. Аксинча, барча иқтисодий ислоҳотлар бевосита давлат бош бўлган ҳолда амалга оширилмоқда. Мана шу хусусият ўтиш даврининг устивор йўналишларидан бирини ўзида акс эттиради. Зеро, ҳукумат қўмагига таянган тадбиркор ҳеч қачон ютқазмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 28 августда қабул қилган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат дастури тўғрисида»ги қарорини ана шундай ғамхўрликнинг намунаси сифатида қабул қилиш мумкин. Дастур тўрт қисмни — кичик бизнесни айниқса қишлоқда фаол ривожлантириш ва фаолият кўрсатиш учун бозор инфраструктураси ҳамда шарт-шароитлар яратиш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари, молиявий таъминот ва ташкилий тадбирлар қисмларини ўз ичига олади. Унда тадбиркорлик соҳасида ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш, касб-корини ўзгартириш ва малакасини оширишга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий кафолатлаш, қўллаб-қувватлашга, ташқи иқтисодий фаолиятга қўмаклашишга катта эътибор берилган.

Қўриб турганингиздай, ишбилармонлик соҳасида янгидан-янги ижобий ўзгаришлар юз бермоғи учун имконият яратилди. Энди ҳамма гап мана шу имкониятдан самарали фойдалана билишда қолган.

Бизда шу пайтгача тадбиркорлик нисбатан шаҳар жойларда ривожланган эди. Ҳолбуки, халқимизнинг ярмидан кўпроғи қишлоқларда истиқомат қилади. Қарор мана шу хусусиятга алоҳида эътибор бергани билан ҳам қимматли. Имтиёзли кредитлар, янги иш ўринлари ташкил этиш, эркин рақобат учун шарт-шароит яратиб бериш — барча-барчаси аввало қишлоқ учун. Насиб қилса, бу йил пахтасини ёхуд ғалласини ҳукуматга топширган деҳқон уч ой қишда танчага суқилиб, бекорчиликдан вақтини нос чекиб ўтказмайди, балки ишбилармонлик қилиш учун имконият излайди, ҳаракат қилади. Илло, замоннинг, бозор иқтисодининг талаби шу. Қарор, назаримизда, мана шу жараёнга туртки бериши билан ҳам қимматли.

Тикланиш: воқеалар, хабарлар

«ШАШМАҚОМ»ГА НИМА ЕТСИН...

Яқинда пойтахтнинг дабдабали ресторанларидан бирида, яна кечки пайт, нақ бир соат мобайнида классик ашулалар эшиттиришди. Мижозлардан қанчаси сел бўлиб тинглади, қанчаси бемалол суҳбатлашиб ўтиришди. Фақат бу ерда мудом шовқинли рок-музика эшитишга ўрганиб қолган ёшларгина ҳайрон бўлиб елка учиришди.

Ресторанда мумтоз мусиқа янграшининг ўзи матбуотда хабар беришга арзийдиган факт эмас. Аммо Урусия матбуоти («Труд» газетаси) қизиқ бир мақола эълон қилиб қолди. Унда ёзилишича, олимлар бир қатор тадқиқотлар ўтказишиб, шовқинли музикалар инсон асаб системасини ишдан чиқаришини, айниқса мия фаолиятига жиддий зарар етказишини аниқлашибди. Мисол учун, икки соат мобайнида ўзлуксиз рок-музикани эшитиб ўтирган мижоз ҳаттоки... карра жадвалини ёддан чиқариб қўяркан! Овоз кучайтириб берувчи тонна-тонна қурилмалардан чиқаётган баланд частотали, инсон эшитиш имкониятидан ташқарисидаги товушлар эса асабларни қақшатиб, ўнглаб бўлмас жароҳатлар етказаркан.

Бас шундай экан, ресторанларда бақир-чақир, чинқир-чинқир чет эл мусиқа-қўшиқлари эмас, балки ўзимизнинг асл мумтоз куй-қўшиқларимиз янграб турса, бу ҳол миллий ўзлигимизни намоён этиб туриш билан бир қаторда ҳам соғлигимизга, ҳам онгимизга фойдали эмасми...

Гулчеҳра МУРОДАЛИЕВА

ЗАМАХШАРИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 920 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ТУРОН АЛЛОМАСИ

Жуда кўп нарса биладиган, мутолааси зўр, ақлли одамни бизларда «донишманд» деб аташади. Араблар бундай одамларни «аллома» дейишган. Лекин бу сифатга ҳамма олимлар ҳам сазовор бўлавермаган. Бунинг учун у иқтидорли олимлар томонидан тан олинган, барча бир овоздан унинг заковатига қойил қолган бўлиши лозим.

Ана шундай Турон олимларидан бири, Хоразмда етишган аллома Замахшарий эди. У зот барча тарихий асарларда «аллома» даражаси билан эсланади.

Баъзи манбаларнинг кўрсатишича, Замахшарийнинг бир оёғи бўлмаган. Бу ҳақда олимнинг ўзи шуларни ҳикоя қилиб берган:

«Ёшлигимда бир чумчуқ боласини ушлаб олган эдим. Кейин унинг бир оёғига ип бойлаб олиб учириб юрадиган бўлдим. Бир куни нима бўлдию ип қўлимдан чиқиб кетди. Кейин чумчуғим учиб бориб бир кавакка тиқилиб олди, ҳатто кавак ичига кириб кўзимга кўринмади ҳам. Мен чумчуқни кавакдан оламан деб жон талпис торта бошладим. Чумчуқ кавакка қаттиқ ёпишиб олганидан ипни қанча тортсам ҳам чиқмади. Мен чумчуқни кавакдан чиқариб олиш ниятида ипни қаттиқ тортиб юборган эканман, бир маҳал бундай қарасам, тортилган ип билан чумчуқнинг бойланган оёғи узилиб кетибди. Қўлимда ипга бойланган ўша узилган чумчуқ оёғи осилиб турарди.

Орадан анча вақт ўтди. Мен улғайдим, Бухоро шаҳрига келдим, у ерда таълим ола бошладим. Шунда бир гал отга минишга тўғри келди. Нима бўлдию мен минган от бир нарсадан ҳуркиб, мени олиб қочди. От бош бермади, мен отдан йиқилиб тушдим, оёғим синди, кейин уни кесишди. Натижада бир умр оқсоқланиб юрадиган бўлдим. Шундан сўнг ўзимни ўзим койидим. Доимо ўша ёшлигимда қилган ножўя ҳаракатим ёдимга тушар, ўз қилмишимга ярашуқ жазолганганимдан юрагим орқамга тортиб кетарди.

Аммо шуниси бор эдики, қанча пушаймон қилсам ҳам, кўнглим жойига тушмас, нуқул ич-ичимдан қийналардим. Шундан сўнг бирор жондорга муносабатда бўлишга тўғри келса, ўша ножўя ҳаракатим бир умр менга азоб берарди».

Замахшарий илм ўрганиш мақсадида дунё кезиб Ироқнинг маркази Бағдодга ҳам боради. Бу ерда бир қанча вақт яшаб Али ибн Музаффар ан-Нишопурий, Абу Наср ал-Исфаҳоний ва Абу Мансур ал-Жавҳариқий каби олимлардан таълим олади. Шайх Садид Ҳайётийдан қонуншунослик — фиқҳ илмини ўрганади. Кейин у Макка томонга юзланади, бир неча йил шу ерда қолиб таълим олади, таълиф қилади ва олимлар наздида ўз иқтидорини намойиш қилиб «Жоруллоҳ» («Аллоҳ қўшниси») деган тахаллус олади.

Замахшарийнинг манбаларда кўрсатилган исмишарифига келсак, у Абу-л-Қосим Жоруллоҳ Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад аз-Замахшарий ал-Хоразмийдир. У зот Қуръонни шарҳлайдиган тафсир илмининг билгичи бўлган, ҳадис, калом илмини яхши ўрганган, адиб ва шоирлик табъи бўлган. Шеърларни араб тилида ёзган. Кўп араб шоирларининг шеърларини ёд билган.

Тошкентда — Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида Маҳмуд аз-Замахшарийнинг асарларидан тўпланган қўлёзмалар сони 90тадир. Шарқ оламида босилган асарлари эса 54 нафарни ташкил этади. Қўлёзмаларнинг аксарияти аз-Замахшарийнинг йирик асарлари ҳамда улардан олинган парчалар ва айрим боблардир. Булар ичида алломанинг «Муқаддимат ал-адаб» («Адабиётга кириш») китоби бўлиб Ислом оламида бу асар нусхаси энг кўп тарқалган. Чиндан ҳам, «Муқаддимат ал-адаб» — «Адабиётга кириш» буюк тилшунос олим Маҳмуд аз-Замахшарийнинг энг машҳур асарларидан бири бўлиб, муаллифи уни Отсиз Хоразмшоҳга тақдим этган эди. Маълум бўлишича, асар 1127 — 1144 йиллар орасида ёзилган. Грамматик нуқтаи назардан у араб грамматикаси асосида исмлар ва уларнинг турланиши, феъллар ва уларнинг тусланиши, юкламалар ва, умуман, араб тили грамматикасини эгаллаган ҳолда адабиётга ёндашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Замахшарийнинг бошқа йирик асари «ал-Муфассар» Қуръони карим шарҳи тафсирига бағишланган бўлиб, Академиянинг Шарқшунослик институтидаги нусхаси 1433 йили кўчирилган. Бу нусха кўчирилганига 560 йилдан ошди. Олимларнинг таъкидлашича қараганда, бу асар бир йилу тўрт ой деганда ёзиб тугатилган. Нақл қилишларича, китоб билим ўргатувчилар учун катта фойда келтирган ва ҳатто уни ёд олганлар. Ҳукмронлар тақдирлаганлар.

Тошкентда — Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида асарнинг бир неча қўлёзма нусхалари мавжуд. Унинг 5198 рақамли нусхаси 459 варақ, 3697 рақамли нусхаси 335 варақ, 11451 рақамли нусхаси 155 варақдан иборат. Тўрт жилд бўлиб босилган бу асар араб тилини ўрганувчилар учун яхши манба бўлган.

Замахшарийнинг араб грамматикасига оид «ал-

МАҲМУД АЗ-ЗАМАХШАРИЙ МЕРОСИ (1075 — 1144)

Муфассал фи ан-наҳв» («Грамматикани муфассал баён қилган китоб») асарига ҳам кўплаб шарҳлар ёзилган, бу шарҳлардан энг машҳури ибн Яишнинг «Шарҳ ал-муфассал» («Муфассал шарҳи») асаридир.

Замахшарийнинг бошқа олимлардан ажралиб турадиган ажойиб томонларидан бири у араб тилида эски, кам ишлатиладиган нодир сўзларни йиғиб, уларни турли хил мавзуларга бўлиб, китоб ҳолига келтирган.

Замахшарийнинг яна бир бошқа асари «Китоб ал-жибол ва-л-амкина ва-л-миёҳ» («Тоғлар, ўлкалар ва сувлар ҳақида китоб») бўлиб, бунда ҳозирги Саудия Арабистони яриморол ҳақида, унинг табиий ва жуғрофий тузилиши ҳақида маълумот берилади. Чунончи, унда Арабистон яриморолидаги тоғлар, шаҳарлар, дарё, водий номлари, улар тузилиши ҳақида маълумотлар жуғрофия олимлари учун катта манбага айланди. Замахшарий бу асарида фақат жуғрофия фанига эътибор билан чекланмай, балки луғатшунос аллома сифатида ҳам фикр юритади.

Замахшарийнинг яна бир асари «Асос ал-балоға» бўлиб, муаллиф унда ҳар бир ҳарфга бир боб ажратади ва уни 28 бобга бўлади.

Муаллиф ўз асарига манба сифатида Қуръон оятлари, ҳазрати Пайғамбар ҳадислари, матал ва мақоллардаги қочирим ва ҳикматли сўзлар, ўзидан олдин ўтган машҳур олим ва адибларнинг фикрлари, халқ ўртасида юрган таъбирли ва ибратли гаплардан келтирган. Муаллиф ўз асарида арабча сўзларнинг дастлабки маъноларини ифодалаб, сўнг унинг марказий-кўчма маъноларини берган.

Замахшарийнинг бу асари ёзилган давридан бошлаб то ҳозирги кунга қадар кўп луғатларга асос бўлган. Ҳатто Ислом энциклопедияси(Истанбул, 1995)нинг XI жилдида ёзилишича, бу асар асосида Ибн Ҳожар ал-Асқалоний ўзининг «Ғироз ул-асос» («Асос новда») деган асарини ёзди. Бунда муаллиф Замахшарий асарини қисқартириб, ўзидан қўшимчалар қўшган. Асар Қоҳирада (1411)1990 йили нашр этилди. Яна бир луғатшунос Абдурауф ал-Муновий ҳам «Иҳком (яъни маҳкам) ул-асос» номи билан машҳур «ас-Сиҳаҳ» тарзида бир луғат тузган.

Замахшарийдан сўнг ундан ўрганиб луғат ёзганлардан яна бири Ибн ал-Асир бўлган. Бу киши «Анниҳоя фи ғариб ал-ҳадис» («Ажойиб ҳадислар борасида ниҳоясига етган китоб») асарини ёзиб, Замахшарий кетидан борган ва унинг асаридан фойдаланган. Файюмий деган луғатшунос «ал-Мисбоҳ ул-мунир» («Равшан чироқ») асарида Хоразм фахри — Замахшарийнинг услубини қўллаган. XIX аср ўрталарида ҳам (1870 йил) Замахшарий асаридан фойдаланиб, Байрут(Ливан)да икки жилдлик «Муҳит ал-муҳит» луғати ҳам босилган. Бу ажойиб луғат муаллифи Битрус Бўстоний (1819 — 1883) эди. Бу киши XIX аср охирларида Тавротни арабчага таржима қилишда иштирок этган. Бўстоний «Доират ал-маориф» энциклопедиясини ҳам ёзиб, унинг олти йирик жилдини нашр этган, қолганини авлодлари нашр эттиришган.

Ҳозирги даврда араб мамлакатларида жуда кўп марта нашр этилган ва кўпчилик олимларга дастак бўлган «Ал-Мунжид» луғати (муаллифи Луис Маълуф бўлиб, у 1868 — 1946 йилларда яшаган) ҳам Замахшарий асари асосида тузилган.

Замахшарийнинг «Асос ал-балоға» асари матбуот кашф этилмаган даврларда қўлёзма ҳолда, китоб босиш техникаси кашф этилгач эса Қоҳира, Ҳайдаробод, Лакнов каби шаҳарларда босилган. Ҳатто бу асар 1953, 1972, 1980 йилларда Қоҳирада, 1965, 1979, 1984 йилларда Байрутда қайта-қайта нашр этилган. Улардан ташқари бу асар бошқа араб ўлкаларида ҳам босилган. Замахшарийнинг «Китоб ал-фоиқ» (бу китоб «ал-Фоиқ фи ғариб ал-ҳадис» деб ҳам юритилади) — «Нодир сўзлар борасида ҳаддан ортиқ китоб» асари ҳам асосан ҳадис илмига бағишланиб, муаллиф ҳадислардаги қийин жойларни шарҳлайди. Замахшарийнинг бу асари қўлёзмаси Академиядаги Шарқшунослик институтида 5134 рақами остида мавжуд бўлиб 340 варақдан иборат. 4725 рақамли қўлёзма эса 84 варақдан иборат.

Яна Замахшарийнинг «Ал-Кашшоф ан ҳаққойиқ ат-танзил» асари ҳам бўлиб, уни муаллиф 1134 йилда ёзиб тугатган. Бу асар асосан Қуръонга ёзилган тафсир-шарҳлардан иборат. Қуръондаги гўзал жумла ва ибораларни шарҳлаб, атрофлича баён этган бу китоб тафсирчилар орасида машҳур бўлган, ва ҳатто унга кўплаб илова ва ҳошиялар ҳам ёзилган. «Кашшоф тафсири» Қуръони каримнинг илоҳий балоғатини кўрсата оладиган улкан қимматли ажойиб асардир.

Абдусодиқ ИРИСОВ

Ўзбекистон киноси тарихидан

ТУРКИСТОНДА ФАРАНГ ЖОЗЕФНИНГ КИНОЛАРИНИ КЎРГАНМАН

«МТ»НИНГ 15 АВГУСТ СОНИДА Ҳ. Акбаровнинг «Туркистонда кино бўлганми?» мақоласини қизиқиш билан ўқидим. Мақола муаллифининг бу соҳада илмий изланишлар олиб бораётгани сабабли қўшимча тариқасида яна баъзи ўзим билган нарсаларни айтиб ўтсам дейман.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида кечқурунлари шаҳримиз ҳозиргидек гавжум эмас эди. Кино, цирк, телевидение, ҳатто радио ҳам бўлмаган. Катта кўчалар ҳам, жин кўчалар ҳам ёритилмаган. Муқимий ва Завқий фонус расм бўлганда унга шеър бағишлаганлар. Кечқурунлари айниқса Илҳом самоворчининг чойхонасига кўп одам йиғилган. Илҳом самоворчи бошқа шаҳарлардан ҳофизларни таклиф қилиш билан бирга биринчилардан бўлиб уларнинг ашулаларини граммофон пластинкаларига ёздирган, ҳатто талабгорларни суратга туширишни бошлаб берган.

Бир неча йил олдин Туркистондаги маориф департаменти материалларини кузатиб, кино билан боғлиқ бир маълумотга дуч келган эдим. Кино расм бўлмасдан олдин айрим чойхоналарда проекцион фонар типидаги аппарат орқали ҳар хил рангли ва рангсиз суратлар чойхўрларга каттайтириб кўрсатилган ва уларга тушунтириш берилган. Бу суратларда подшо ва унинг оиласи, амалдорлар, полвонлар, цирк артистлари, улкан бинолар тасвирланган. Рўза кунлари ифтордан кейин бундай суратларни кўриш учун келган чойхўрларга жой етишмаган. Буни Туркистонда кинонинг ўтмишдоши деса бўлади. Лекин Туркистондаги кино ҳақида мен отам Собиржон Раҳимийдан баъзи гапларни эшитган эдим.

1903-05 йилларда Тошкентга Франциянинг дастлабки кинокўрсатиш ҳаваскорларидан Жозеф фамилияли тадбиркор ўз ускуналари билан келган ва Эски шаҳарда биринчилардан бўлиб кинокўрсатувларни ташкил қилган.

Отам экранга туширилган тасвирларга узоқ йиллар газета ва нашриёт таҳририятларида таржимон бўлиб ишлаган Ҳабибуллаев деган йигитча билан бирга ўзбек тилида тушунтириш беришган. Отам билан Ҳабибуллаев Самарқанд дарвозадаги рус-тузем мактабида ўқишганда танишишган. Икковлари ҳам Жозеф билан бемалол гаплашишган. Филм кўрсатишдан олдин Жозеф кадрларни тушунтирган. Кейинчалик оғзаки тушунтириш ўрнига экрандаги русча ёзувларга қараб таржима қилишган. Кўпинча овозсиз қисқа метражли филмлар кўрсатилган. Кинофилм тамом бўлгандан кейин айрим томошабинлар қизиқарли саволлар билан таржимонларга мурожаат қилганлар. Айрим саволларга Жозеф қўшимча жавоб бериб турган. Жозеф киноларни тахминан 1,5 — 2 йил давомида кўрсатган. Ҳатто ўзи кетмасдан олдин отам ва Ҳабибуллаевни Францияга таклиф қилган. У ерда ўқитишга ёрдам бераман деб мақтанган. Лекин оила аъзоларимиз бу таклифни рад этганлар.

Отамдаги кинога қизиқиш кейинги даврларда ҳам давом этган. Барча янги филмларни биринчилардан бўлиб тамоша қилишган. Мен 4-5 ёшимдан бошлаб кинокўрсатувларга бирга борган-ман. Эски шаҳардаги жанггоҳда «Свифт» ва Тарзанга бағишланган кўп серияли филмларни кўрганим қисман эсимда бор. Ҳатто Свифтни жуда баланд бинонинг 18 қаватидан ташлаганлари кўз олдимда турибди. Мен кечқурун филмни охиригача кўрмасдан ухлаб қолиб, баъзан трамвайчига ортиқча юк бўлганимни ҳам эслайман.

1925-26 йилларда «эски мактаб» билан «янги мактаб» ўртасида кескин кураш бошланган, «эски мактаб»ларни ёпиб, барча ўқувчиларни «янги мактаб»ларга жалб қилиш масаласи қўйилган.

Шу даврда отам Себзор даҳа Тарновбоши маҳалласидаги 18нчи Беҳбудий номидаги бошланғич мактабнинг мудири бўлиб ишлаган. Машҳур олим Ҳамид Сулаймоннинг отаси Сулаймонхўжаев ташаббуси билан мактаб биносида «Эски ва янги мактаб» домулласи ролини кейинчалик таниқли артист Пирмуҳамедов, «янги мактаб» ўқитувчиси ролини эса отам бажарган. Бу филмнинг айрим ленталари бизда сақланиб келар эди. Афсуски, кейинчалик йўқолиб кетган. Лекин бир фотосурат сақланиб қолган. Бу сурат кейинчалик «Наука и жизнь» журналида эълон ҳам қилинган.

Бунда дадамнинг бошланғич мактаб ўқувчиларига дарс бериб тургани тасвирланган. Суратдаги талабалар орасида ҳозирда ҳаёт политехника институтининг доценти Нажимхўжа Акбаров бор.

Ўзбек киносининг 70 йиллиги муносабати билан «Эски ва янги мактаб» киноси ленталарини архивдан ахтариб кўриш керак.

Бундан ташқари 60нчи йилларда Тошкент давлат университетининг шаклланишига бағишланган кинофилм яратилганда Пирмуҳамедов дадамга филм учун қиёфаси сизга ўхшаган шахс керак деб, уни умумий кўринишларга таклиф қилган. Филмда унинг Кремлдаги қабулда иштирок этгани кўрсатилади.

Отам биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимовнинг илк ўқитувчиси, устози ҳисобланади. У генералнинг фронтда олинган расмларидан анчагина тўплаган эди. У генералнинг ёшлигига бағишланган филмга сценарий ёзсам деган орзу билан яшар эди. Менга бўлажак филмнинг қуйидаги кадрлари ҳақида сўзлаб берган эди:

1. Бўлажак генералнинг онаси юпун кийимда келиб ўғлини мактабга қабул қилишни илтимос қилади, унинг талаби қондирилади.

2. Маҳаллада ёнғинни ўчиришдаги жасорати. Собиржон уйнинг қулфини бузиб кириб ёнғинни ўчиради.

3.Калковуз (Кайковус) ариғига оққан кампирни қутқазади.

4. Бизнинг уйга келиб турли мавзуларда китоб олиб кетгани ва устози билан суҳбатлари.

5. Бадан тарбия ва бошқа дарсларда бошқаларга намуна бўлиши; Булардан бошқа яна анча воқеалар бор, уларни эслашга ҳаракат қиламан. Ёш киномуаллифларидан бири бу йўналишда иш олиб борса, республикамиз қуролли кучлари учун кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшган бўлар эди, албатта.

Ҳикмат СОБИРОВ,
профессор

Суратда: Тошкентдаги 18-мактабда дарс пайти. Ўртада мактаб директори С. Раҳимов. 1926 йил.

Тарих — ибрат

Қозоқбой МАҲМУДОВ

ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗНИНГ ДАВРИЙ САНАЛАРИ

Турон ўлкалари мелодий сананинг VIII асри аввалида араблар томонидан босиб олинди. Жанубий Турон ўлкалари мелодий сананинг 730 йилидан бошлаб Араб халифалиги томонидан қарам қилинди. Арабларнинг Аббосийлар халифалиги даврида Хуросон ҳамда Моваро-уннаҳрда Муқанна каби халқ миллий-озодлик ҳаракатлари бостирилди. Бир гуруҳ ерли зодагонлар халифа хазинасини бойитишда ҳамда миллий-озодлик ҳаракатларини бостиришда ёрдам бердилар. Шунга кўра, халифаликда маҳаллий оқсуяклардан амалдорликка тайинлаш зарурияти пайдо бўлган эди.

Ҳирот шаҳри яқинида туғилган тоҳирийлар вакили 821 йили Хуросон ва Моваро-уннаҳр ҳокими этиб тайинланади. Тоҳирийлар эса, сомонийларни ҳокимиятга жалб қиладилар. Тоҳирийлар ҳамда сомонийлар ўз хазинасига, пулига, ер майдонига ва қўшинига эга бўлиб, Араб халифалигига хизмат қилардилар. 860-йилларга келганда — араблар ҳукмронлигига 130 йиллар бўлганда сомонийлар Моваро-уннаҳрнинг мустақил ҳукмдорига айландилар.

Баласағун ҳамда Кошғар шаҳрида мелодий сананинг 950-йилларида буғрахонлар(нор туялар) давлати тузилган, бу давлат бошида туркий қабила яғмолар турган; буғрахонлар давлатининг биринчи хоқони Ҳорун ибн Мусо ибн Сатуқ эди. XI асрнинг 70-йилларида қорахонийлар давлати бўлиниб кетди. Қорахонийлар хонадони 1089 йили, 135 йилдан сўнг тўла ҳукмронликдан кетди. Қорахонийлар хонадони Маликшоҳга ёки салжуқий султонларига қарам ҳолга тушди.

Салжуқийлар давлатини ташкил этган хонадон дастлаб Сирдарёнинг қуйи оқими ҳамда Орол денгизининг шарқий томонида ташкил топган ўғуз турклари давлати таркибида эди. Салжуқийлар хонадони турк қавмларининг ўғуз қабиласи таркибидаги қиниқ уруғига мансуб эди. Салжуқийлар хонадонига Салжуқбек ўғли Мусо ёбғу бошчилик қилар эди. Салжуқийлар хонадони Оролбўйи ўғузлари давлатининг ҳукмдори Шоҳмалик билан жанжаллашиб қолади. Шунга кўра, Салжуқбек авлодлари бошлиқ бир гуруҳ ўғуз қабилалари сомонийлар билан келишиб Нурота атрофларида ўрнашадилар. 1020-йиллари Нуротада салжуқийлар хонадони беклигини тузадилар, сўнгра сомонийлар давлати билан чиқиша олмай Хоразм воҳасига ўтадилар, у ерда ҳам Шоҳмалик салжуқийларни тинч қўймайди, Хоразмдан Марв, Сарахс томонга кўчишга мажбур қилади. Бу ўлкалар ғазнавийларга қарам эди. Улар ғазнавийлар билан ҳам зидлашиб қоладилар. Салжуқбек набираларидан Тўғрулбек 1040 йили Данданакан деган жойда ғазнавийлар қўшинига қаттиқ зарба беради. Салжуқийлар давлати Хуросонга ҳамда ғазнавийлар давлатига эга бўлиб, буюк давлатга айланади. Салжуқийлар давлати ҳукмдори Султон Санжар 1140 йили Самарқанд яқинида қорахитойлардан енгилади.

1153 йили Балх ва Бадахшон атрофидаги ғузлар(ўғузлар) давлати томонидан Султон Санжар қўшини бутунлай тор-мор келтирилади. Ўрта Осиёда салжуқийлар давлати 125 йилдан сўнг барҳам топади, аммо Эрон, Сурия, Кавказ ва Кичик Осиёда салжуқийлар давлати парчаланган ҳолда сақланиб қолади.

X асрнинг 77 йилида ёки 977 сомонийлар давлатининг лашкарбошиси Сабуктегин шу давлатнинг Ғазнадаги ҳокими Алптегин ўрнига рухсатсиз ҳукмдор бўлиб олди ҳамда қорахонийларга қарашли Афғонистон, Хуросон, Каспий денгизининг шарқий қирғоғини ва Сейистон ўлкаларини эгаллади. Ғазнавийлар давлатига асос солинди. Сабуктегин ўғли Маҳмуд Ғазнавий даврида ҳокимият янада кучаяди. Данданакан жангидан сўнг ғазнавийлар давлати кучсизланди. Салжуқийларга қарам давлатга айланди. Ғазнавийларнинг салжуқийлар давлатига қарам ҳолдаги даври 135 йилча давом этди, сўнг тарих саҳнасидан тушиб кетди. Ғазнавийлар давлатини тузган шахслар ўғуз қабиласи таркибига кирувчи қиниқ уруғига мансуб эдилар.

Ғазнавийлар давлати туркий халқлар томонидан тузилган улуғ давлатлардан бири эди.

Ғазнавийлар даврида Ғазна шаҳрида Абу Райҳон Беруний бошчилигида академия ташкил топди. Улуғ олимлар бу даврда жаҳон маданиятига тенгсиз илмий асарлар қолдирдилар.

Туронда хоразмшоҳлар хонадони XI асрнинг 90 йилида пайдо бўлди. Салжуқийлар султон Маликшоҳ саройида офтобачи лавозимида ишлаган турк-ўғуз қабиласига мансуб Ануштегин деган кишига Хоразмни бошқаришни топширадилар. Шу даврдан бошлаб туркий хоразмшоҳлар сулоласи таркиб топди. Чингизхон босқини оқибатида хоразмшоҳлар хонадони, 130 йилдан сўнг, тугатилди.

Сомонийлар, қорахонийлар, салжуқийлар, ғазнавийлар, хоразмшоҳлар давлатлари ўзларининг иқтисодий сиёсатига, ҳарбий кучарига, белгиланган майдонига, чегараларига, мустақил ички ҳамда ташқи сиёсатига эга бўлганлар.

Чингизхон Ўрта Осиё ўлкаларини босиб олгач, 1227 йили Чиғатой номли иккинчи ўғлига Турон ўлкаларининг жанубий қисмини берди. Чиғатойхон авлодлари 1365 йилгача тўла ҳукмдорлик қилдилар, 135 йилдан сўнг Чиғатойхон авлодлари Амир Темур қўлида номига хон тарзида давом этди.

Амир Темурдан сўнг «қўғирчоқ» хонлар тугатилди. Чиғатойхон даврида туркий қавмлар мавқеи ошди, туркий тилнинг мақоми кўтарилди, XIII-XIV асрларда туркий тилда диний ва бадиий асарлар ёзилди. Чиғатойхонлар давлатининг бошқа чингизхонийларга қарашли мамлакатлар билан бирга ташқи сиёсати Осиё, Оврупо ҳамда Африка қитъасига қадар таъсир қилди. Улар фаол ташқи сиёсат юргиздилар.

1365—1370 йиллари Туронзамин ҳукмдорлиги Амир Темур Кўрагоний қўлига ўтди. Амир Темур Турон мамлакатини бирлаштирди ҳамда ислом динининг шариат қонунлари асосида соф туркона ички ва ташқи сиёсат олиб борди. Натижада Турон мамлакати маданий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан юксак даражада ривожланди, ҳарбий жиҳатдан замонасининг етук кучига айланди. Амир Темур бобомизнинг иқтисодий, маданий, ижтимоий соҳада юритган сиёсати барча авлодлари ҳукмронликлари даврида давом этди.

Инсоният тарихи муайян даврий саналарга риоя қилишига кўра, темурийлар хонадонининг ҳукмронлиги 140 йилга яқин вақтдан сўнг Туронзаминда XVI аср бошларида тугади.

Амир Темур жаҳоннинг 27 мамлакатини Туронга итоат эттирди. Буюк темурийлар империясини тузди, шахсан Амир Темур замонида Турон жаҳон сиёсатига етакчилик қилди.

Темурийлар империясининг тўшкунлик даврида Турон ўлкаларида туркий қавмлар орасида етакчи қипчоқ қабилалари иттифоқидан ажралиб чиққан ўзбеклар элатига бошчилик қилган Чингизхон наслига мансуб, она томонидан темурийлар авлоди Улуғбек билан боғланган Абулхайрхон набираси Муҳаммад Шайбонийхон 1475—1480 йиллари Сирдарёнинг қуйи оқимида ўз давлатини барпо қилади, шу даврдан бошлаб чиғатойхонларга ворис тарзида темурийлардан ҳокимиятни қайтариб олиш учун кураш бошлайди. Ниҳоят, 1507 йили темурийлар устидан ғалаба қилади. Шайбонийлар хонадони Жанубий Турон ўлкаларида 125 йил ҳукмронлик қилганларидан сўнг ҳокимиятдан кетади. Шайбонийлар темурийларга ворис тарзида Туркия билан битим тузиб, халқаро савдо йўлларини қўлга киритиш ҳамда Ҳинд муҳитига чиқиш учун ҳаракат қилганлар, Турон ўлкаларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга интилганлар, халқаро қуруқлик ҳамда сув йўлларини қўлга киритиш учун Туркия билан бирга жаҳд этганлар.

Шайбонийлар ўрнига чингизийлар наслига мансуб Олтин Ўрда хонлари авлоди, она жиҳатдан шайбонийларга мансуб аштархонийлар хонадони 1699 йили Жанубий Туронда ҳокиятга келадилар. Аштархонийлар сулоласи жонийлар деб ҳам юритилди. Жонийлар аталмаси аштархонийлар хонадонига асос солган Жонибекка нисбат берилган. Бу хонадон Жонибек ўғли Динмуҳаммаддан бошланди.

XVIII асрнинг 40-йили Эрон шоҳи, туркманларнинг афшар қабиласига мансуб Нодиршоҳ Бухорога қарши ҳарбий юриш қилди. Турон давлатини қарам ҳолга айлантирди. Оқибатда, аштархонийлар хонадони 140 йилдан сўнг ҳокимиятни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум бўлдилар.

Аштархонийлар номи билан юритилган ўзбек элатлари давлати бўлиниб кетди. Фарғона, Балх мустақил давлатга айланди. Хоразм эса, аввалроқ, XVI аср бошидан мустақил давлатга айланган эди.

Ҳакимбий ўғли Раҳимбий ўзини 1747 йили Нодиршоҳ ўлгандан сўнг Бухорода амир деб эълон қилди. Бухоро хонлиги пайдо бўлди. Ўзбек элатининг манғит уруғи вакиллари 1740 йилдан 1868 йилгача ёки 128 йил давомида Бухоро хонлигини бошқариб келдилар. Бухоро хонлиги 1865 йилдан сўнг Россия империясининг босқинчилик ҳужумига учради. Бухоро 1868 йили Россия империясининг мустамлакасига айланди, вассал ҳолда 1920 йилгача давом этди. 1920 йил сентябр ойида вассал Бухоро хонлиги Совет Россияси томонидан босиб олинди.

Фарғона водийсида ўзларини Чингизхонга боғлаб келган ўзбек элатининг минг уруғи 1710 йили Қўқон хонлиги номи билан давлат тузди. 1747 йилдан сўнг Қўқон хонлигига асос солган Шоҳрухбий набираси Раҳимбий ўғли Эрданабий Қўқон хонлигини мустақил давлат, деб эълон қилди. Қўқон хонлиги 1876 йилгача 130 йил давомида мустақил давлат тарзида минг хонадони томонидан бошқарилди. Россия империяси 1853 йилдан бошлаб 1876 йилгача Қўқон хонлигини босиб олиш учун аёвсиз уруш ҳаракатлари олиб борди ҳамда Пўлатхон бошлиқ миллий-озодлик курашлари мағлуб бўлгандан сўнг, 1876 йили Қўқон хонлиги тугатилиб, мустамлакага айлантирилди.

Шимолий минтақаларда ёки Дашти Қипчоқда, Волга(Итил), Дун(Тин) дарёлари бўйларида Олтой, Ғарбий Сибир, Гоби ҳамда Шарқий Туркистоннинг шимолий ўлкаларида яшаган туркмўғул халқлари тузган сулолалар 200-250 йиллар ҳукмрон бўлганлар. Жумладан, қадимги, турк халқларининг биринчи ва иккинчи хоқонлиги 200 йил (545—745) давом этган. Олтин Ўрда давлати ҳам 250 йилга яқин (1236—1480 йиллар) ҳукмронлик қилган. Тўққиз ўғузлар(қадимги уйғурлар) ҳамда Тўққиз ўғузларнинг давоми Идиқутлар давлати ҳам 200 йилдан ортиқроқ ҳукмронлик қилган. Шунингдек, рус князликлари мелодий сананинг 860-йиллари тарих саҳнасида пайдо бўлиб, 500 йил ўтгач, XIII асрнинг 30-йилларида мўғул-турклар таъсирига тушди; 250 йил давомида рус князлари ўз улусида ўзи хўжайин эдилар, даромаднинг муайян улушини Олтин Ўрда хонларига топширар эдилар, холос. Улар ҳатто Олтин Ўрда хонларининг рухсати билан қўшни князларни қўшиб олиш ҳуқуқини ҳам олар эдилар. Бу сиёсий, иқтисодий вазият рус князларининг 1480 йили мустақил бўлишларига имконият яратди, натижада Олтин Ўрда улуси Москва ҳукмдорлари томонидан босиб олинди, Олтин Ўрда излари ҳам тарих саҳнасидан ўчириб ташланди. Москва ҳокимияти Русия империясига асос солди, бу империя ўзининг юқори нуқтасига етганига 510 йилдан ошди. Ҳозир Русия империясининг тушкунлик даври бошланди.

Мўғул-турк халқлари(сянбийхунлар) томонидан шимоли-шарқий Хитойда тузилган Табғач(тобос)лар давлати 250 йил (303-555 йиллар) давом этди. Бу давлатни тузган мўғул-турк қавмларининг номи сақланган, аммо улар юз йиллар ўтгандан кейин хитойлаша бошлаган, ниҳоят, бу давлат хитойча Вей-Чжоу номи билан аталган. Шунингдек, Мўғулистон ва Хитойда Чингизхон авлодлари ҳукмронлиги ҳам 200-250 йиллар давом этган.

Хоразмда XVI аср бошидан ўзбек элатининг қўнғирот уруғи ҳокимиятга келган. Қўнғиротлар ҳукмронлиги икки даврга бўлинади: биринчи давр(1510-1728 йиллар) 200 йилдан ортиқроқ давом этди; сўнгра 1728 йилдан 1763 йилгача Чингизхон наслига мансуб қозоқ хонлари Хоразмга ҳукмдор бўлдилар. Иккинчи давр: 1763—1873 йиллар ичида мустақил Хоразм давлати давом этди; 1873 йилдан 1920 йилгача Хоразм давлати(Хива хонлиги) вассал тарзида қўнғирот уруғлари ҳукмдорлигида бўлди. Умуман, қозоқ хонлари ҳукмронлиги билан бирга, Хоразмда қўнғиротлар 410 йил ҳукмронлик қилдилар.

Жанубий Турон ўлкаларида ҳукмронлик этган сулолалар ҳамда мустамлака ва қарамлик даврларида муайян ижтимоий-тарихий қонуният мавжуд эканлигини кўриш мумкин.

Туронда араблар ҳукмронлиги тугатилгандан сўнг, 1000 йил ўтгач, Россия империяси Туркистонни босиб олиш учун ҳужум бошлади. 1847 йили Россия Орол денгизида балиқ овлаш баҳонасида Қўқон хонлиги билан битим тузди, Туркистонни босиб олиш учун ҳарбий истеҳком қурди. 1853 йили Оқмачит ҳарбий қўрғонини руслар босиб олди. 1864 йили эса, Туркистон шаҳрини, Авлиёотани, Чимкент шаҳрини қаттиқ жанглардан сўнг эгаллади. 1865 йил 17 май куни руслар Тошкент шаҳрига бостириб кирдилар, русларга қарши қаттиқ кураш бир ҳафта давом этди. Тошкент қаттиқ жанглардан сўнг босқинчилар қўлига ўтди. Тошкент шаҳрининг 1865 йили руслар томонидан босиб олиниши бутун Ғарбий Туркистоннинг мустамлакага айланишидан дарак берди.

Агар 1853 йили Оқмачитнинг қўлдан кетиши Туркистоннинг мустамлакага айланиши ҳисобланса, руслар ҳукмронлиги 1991 йилга қадар — 139 йил давом этган бўлади.

Умуман айтганда, Туронда мустақилликка эришиш ҳаракати тарих ҳукми билан босқинчиларга хизмат қилган арбоблар томонидан бажарилди. Искандар Мақдунийга қарши Спитамен, арабларга қарши курашган Муқанна, рус босқинига қарши Пўлатхон, Намозботир, Катта тўра каби қаҳрамонлар кураши, шунингдек, Дукчи эшон, 1916 йилги миллий-озодлик қўзғолони, 1918—1935 йилгача давом этган озодлик учун тўкилган қонлар ҳисобига Туркистон жумҳуриятлари мустақил бўлди.

Тарихнинг тақозосига кўра, Ўзбекистонда 1991 йил 31 август куни Ислом Каримов томонидан Миллий мустақиллик эълон қилинди. Қозоғистонда, Қиргизистонда, Туркманистонда, Тожикистонда ҳам мустақиллик эълон қилинди.

Ўзбекистон республикаси мустақил бўлгандан кейин миллий маънавиятимиз қайта тикланмоқда, динимизнинг равнақи учун имконият пайдо бўлди, шонли тарихимизни ўрганиш учун тўсиқлар олиб ташланди. Халқаро майдонда Ўзбекистон республикасининг сиёсий мустақиллиги тан олинди, йирик мамлакатлар билан элчилик муносабатлари тикланди, элчихоналар очилди. Энг муҳими, ташқи сиёсатда мустақил Ўзбекистон республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди. Мустақил республикамизнинг ташқи сиёсатидан гоят хурсандмиз. Республикамизнинг мустақиллигини ривожлантириш ҳамда сақлаб қолиш учун таянч кучларни янада кучайтириш зарур.

*Давоми. Боши «

Нуқралар

НАВОИЙ РУҲИНИНГ ТАЖАЛЛИЙСИ

Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас моне,
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Навоий

Хотирамга умрбод муҳрланган ўша кун — 1976 йилнинг 23 апрели кечагидек эсимда. Ражабийни сўнгги йўлга кузатганлар сафида, халқнинг бўйи-басти баробар қулаган чинори ҳақида оғир ўйга толганча эзилиб борарканман, хаёлимга ҳазратнинг қуйидаги аламнок мисралари келарди:

«Фироқ вақтидур, эй кўзлар, эмди қон йиғланг,
Билурмуспизки, бу кун не кишидан айриласиз».

Мен ҳазратни бежиз эслаганим йўқ. Ражабийнинг қисматида Навоийнинг руҳи бор, Навоийнинг руҳидек пири мададкори бор. Чунки ҳазрат:

«То тузди Навоий оятн ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлибдур» —

деганларидек, ўша ояти ишқнинг аҳли аро наволанишида Навоийнинг 146 та ғазалини «Шашмақом»нинг 5 жилдига жойлаб, қатор ғазалига куй басталаб, ўнлаб ғазалини ижро этган Ражабийнинг хизмати беқиёсдир.

Сўз Навоий ҳақида кетаркан, хаёлимга Ражабий билан устоз Ғафур Ғулом орасидаги қил ўтмас, чамбарчас дўстлиги келади.

Бу юртнинг шоири кўп. Камёби Ғафур Ғулом — 27 ёшидаёқ «Иқтидорим Гавризангар чўққисидай виқорли» деёлган Ғафур Ғулом!

Бу юртнинг бастакори, хонанда-ҳофизи беҳисоб. Ноёби — Ражабий. Ҳар икки санъаткорни қамёбу ноёб қилган фазилат — қуйма десангиз қуйма, туғма десангиз туғма, миллий идрокию миллий тафаккурида. Аслида уларни дўстлаштирган ҳам устоз Ғафур Ғуломнинг:

«Ғунча очилгунча ўтган фурсатни
Капалак умрига қиёс этгулик»,

қабилидаги бир қарасанг Навоий, бир қарасанг бедилона, энг муҳими ялакат мағиз сўфиёна шеърлармасмиди?!

1897 йилнинг 5 январида тошкентлик боғбоннинг табаррук хонадонида туғилган Ражабий ҳам 1930 йиллардаёқ Москва давлат консерваториясининг дирижёрлик факултетини тугатганига қарамай, у Ғарбнингмас, Шарқнинг ипак йўлидай қадим йўлидан борди. Уни халқнинг юрагига олиб кирган йўл ҳам ўша йўл бўлди. Йиллар давомида:

«Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзим қаросида мардум киби ватан қилғил»,

деб куйланганидек, у кўзлар қаросида ватан қилган даҳодир.

УНИ ЎЛМАС ДЕР ЭДИЛАР

«Улуснинг таъну таъриф менга, Бобур, баробардир,
Бу оламда ўзумни чун ямон — яхшидан ўткардим».

Ўлмас ака Бобурнинг «Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим», деб бошланадиган ғазалидаги мазкур сўнгги сатрларни ўйчан такрорлашни яхши кўрарди. Нега? Чунки у темурийлар инқирози ҳақида бир асар ёзмоқчи эди. Ёзмади. Сабаби унинг ўзигаю олтмишинчи йиллардаёқ унинг қанотига кирган менга ўхшаш шогирдларига аён, холос. Гоҳ ўйга толаман. Устозининг кўнглидаги гаплари қоғозга тушганда нима бўларди? Менимча, у асарда ҳам «Булғор қўшиқлари»даги каби инсоний жасорат, «Севгим-севгилим»даги каби нафосат ва жозиба, «Қиёмат қарз»даги диёнат, «Бобоёнғоқ»даги халқчиллик, «Жўра қишлоқ»даги романтик ҳолатлар, «Муҳаббат афсонаси» филмидагисимон ишқ бўртиб турган бўларди. Чунки, у том маънодаги Ўзбекистон халқ ёзувчиси! Ўзбекистонда ёшлар мукофотининг биринчи лауреатларидан. Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати. Қолаверса, Фадеев номидаги адабий мукофот ҳам унга бежиз берилмаган. Афсуски, биз ижтимоий-сиёсий ҳаётда узоқ йиллар фақат битта шахсни улуғлашни ўрганиб қолганимиздек, Навоий ҳазратларининг: «Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп», деганларини унутиб, фақат айрим адибларнигина, токи миси чиқиб сийқаланиб кетмагунча, кўкларга кўтардик.

Ўлмас ака таниқли адибгина эмас, балки Ўзбекистон радиосининг муҳаррирлигидан юқори ҳукумат лавозимларигача йўлни босиб ўтган шахс. Уни бежиз Абдулла Қаҳҳор йўргаклаб, қандоғ белашни Саид Аҳмадга кўрсатиб кетганмас. Ҳа, Ўлмас аканинг қулоғига Ойбек азон айтгану, Ғафур Ғулом елкасида кўтариб катта қилган. У устозларнинг тилагини оқлади. Буюкларнинг тилагини оқламоқ эса руҳан буюкларгагина муяссар бўлади.

Анвар ЭШОНОВ

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Битта зарра, ундаги жараён, мусбат ва манфий қутбларнинг ягона ўқ бўйлаб айланиши, сайёраларнинг батартиб тизилмаси, Ер-осмонларнинг дилраболиги, минг йилларки иқлимнинг муътадил фаслланиши, булар ҳаммасида бузилмай турган мукаммалликни кўрар эканмиз, Яратувчининг ўз пайғамбари ҳақида: «Биз сизни комил хулқ эгаси қилиб яратдик» — дея ҳабибининг қанчалар фазилат соҳиби эканига ишорат қилинар экан, расули барҳақнинг ардоғимиздаги муътабар сиймоси, мунаввар рисолати юрагимизнинг тўб-тўлдан бежиз жой олмаганига ишонч ҳосил қиламиз.

У зоти шариф Оллоҳ ваҳдатини башариятга тўлиқ етказди, шонли ислом салтанатини қарор топтирди, ва ушбу дин то қиёматга қадар ҳифзу ҳимоядаги барҳаёт дин эканлигининг кафолатини олиб берди.

Шунингдек, Муҳаммад алайҳиссаломнинг масъулиятли вазифани адо этишга шай ҳаёт йўли, гўзал хулқи, фидойи умрлари атрофида шундай йўлдошлар йиғилдики, уларнинг ҳар бири жасоратда мисли кўрилмаган қаҳрамонликлар, садоқатда таъриф сиғмас садқаликлик, илму урфонда бутун бир давр маънавиятини юксакликка кўтариб чиқишда ҳамқадам, ҳамнафас бўлдилар.

У саҳобалар бир инсон орзу қилса арзийдиган ҳаёт йўлини боспб ўтдилар.

Ҳар қандай орзуга ижобат бордир
Қодирдир, барҳақдир Тангри таоло.
Менинг исташларим балки бекордир,
Саҳоба бўлсайдим дейман доимо.

Пайғамбар даврида туғилган бўлсам,
Улуғ суронларга умримни бериб,
Бутун борлиғим-ла шиддатга тўлсам,
Шуурим, қувватим, қурбимни бериб.

Ўз азиз жонимнинг қадри ўртагай
Жоним, фақат ўша йилларга лойиқ.
Мен каззоб даврга раво кўрмаган
Жонимни нега кеч яратдинг Ҳолиқ.

Инсонларнинг шахсий фикрати аро
Ҳақни танигунча шом бўлди умрим.
Мен иймон ҳукмини истадим аммо
Кунни жоҳил, тунни ғафлатда кўрдим.

Китобларда қолган улуғ даъватни
Ҳаётда кўролмай ўтарман ғариб.
Тангрим бизга раҳму-шафқатни
Рўзи маҳшар куни этсайдинг насиб.

Биз қуйида ана шундай саҳобалар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилгувчи ҳужжатли мақолаларнинг дастлабкисини сизнинг эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Китобни, плоҳиётчи олим, профессор Раъфат ал-Пошшо таълиф этган бўлиб, 1991 йилда Саудия Арабистони таълим-тарбия вазирлиги ўқув қўлланмаси сифатида нашр қилган. Мақола давримизнинг етакчи уламоларидан бири Алоуддин Мансур таҳрири остида берилмоқда.

Муҳаммад Исмоил

Ислом дунёси ривоятлари

ИККИ ҚАНОТЛИ ОДАМ

(ЖАЪФАР ибн АБУ ТОЛИБ)

Жаъфарни жаннатда кўрдим. Унинг қонга бўялган иккита қаноти бўлиб, кўкраги ҳам қип-қизил қон эди...

(Ҳадиси шариф)

Жаъфар ибн Абу Толиб Абдуманноф жамоасидан эди. Шу жамоадан беш киши пайғамбар алайҳис-саломга шунчалик ўхшардики, ҳатто кўзи хирароқ одамлар кўпинча Расулуллоҳни улар билан адаштириб юрардилар.

Шубҳасиз, сиз пайғамбаримизга (у зотга саловотларнинг афзали ва саломларнинг улуғи бўлсин) ўхшайдиган ўша беш кишини билишни жуда-жуда хоҳлайсиз.

Келинг, яхшиси, улар билан танишайлик:

1. Абу Суфён ибн Ҳорис ибн Абдулмуттолиб. У киши пайғамбар алайҳис-саломга амакивачча ҳамда эмикдош биродар бўладилар.

2. Қусом ибн Аббос ибн Абдулмуттолиб. У зот ҳам Расулуллоҳ САВнинг амакиваччаларидир.

3. Соиб ибн Убайд ибн Абди Язид ибн Ҳошим. Имом Шофеъ разияллоҳу анҳунинг бобокалони бўладилар.

4. Ҳасан ибн Али — Расулуллоҳнинг невараларидир. Ҳасан ибн Али пайғамбар алайҳис-саломга ўхшайдиган беш кишининг ичида энг кўп ўхшайдигани эдилар.

5. Жаъфар ибн Абу Толиб — мўминларнинг амири Али ибн Абу Толибнинг акаси.

Келинг, сизга Жаъфар разияллоҳу анҳунинг ҳаётидан бир неча лавҳани ҳикоя қилиб берайлик.

Абу Толиб Қурайш қабиласи ичида насаби улуғ ва ўз қавмида обрўси баланд бўлишига қарамай, ўзи камбағал, бола-чақаси кўп эди.

Қурайш қабиласида экин-текин ва чорвани ҳалок қилган, одамларни ўлимтик ейишга мажбур этган ўша қурғоқчилик йили туфайли Абу Толибнинг аҳволи яна ҳам оғирлашди.

Ўша пайтда Ҳошим жамоасида Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ва унинг амакиси Аббосдан кўра бадавлатроқ одам йўқ эди.

Муҳаммад амакиси Аббосга: «Эй амаки, акангиз Абу Толибнинг бола-чақаси кўп. Кўриб турибсизки, одамлар қийинчилик ва очарчиликда қолишди. Иккаламиз амаким Абу Толибнинг олдига ёрдам бергани борайлик. Мен ўғилларидан биттасини олай, сиз биттасини олинг», деб айтди.

Аббос унга, «Сен жуда хайрли ва эзгу ишга ундадинг», — деди.

Сўнгра икковлари Абу Толибнинг ҳузурига бориб, «Биз юртдан мана бу очарчилик аригунича болаларингиздан олиб, боқиб турсак», дейишди. Абу Толиб уларга , — «Менга Уқайли қолдириб (Уқайл ҳазрат Алининг акаси эди), хоҳлаганингизни олиб кетаверинг», — деди.

Муҳаммад Алини ўз қарамоғига олди. Аббос эса Жаъфарни ўз болаларига қўшиб тарбиялади.

Али Муҳаммад билан бирга яшай бошлади. Оллоҳ таоло пайғамбаримизга тўғри ва ҳақ динни юборгач, у йигитларнинг ичида биринчи бўлиб иймон келтирди.

Жаъфар эса амакиси Аббос билан қолди, улғайиб, исломга кирди ва амакисидан мустақил бўлди.

Жаъфар ибн Абу Толиб ва унинг хотини Асмо бинти Умайс йўлнинг бошидаёқ нур карвонига қўшилган эдилар. Икковлари ҳам Абу Бакр Сиддиқ ҳузурида, Расулуллоҳ Арқамнинг ҳовлисини жамоатгоҳ қилиб қурмасдан аввал исломга кирганди.

Жаъфар ва унинг хотини мушриклар берган озорларга сабр қилдилар, чунки улар жаннатга элтувчи йўл тикан билан тўшалган ва машаққатга тўла эканлигини яхши билар эдилар.

Лекин, эр-хотинни ва уларнинг Оллоҳ йўлидаги биродарларини безовта қилган асосий нарса — Қурайшнинг ислом рукнларини бажаришга халақит бераётгани ва уларни ибодат лаззатидан маҳрум қилаётгани эди. Қурайш уларни ҳар тарафдан таъқиб этиб, юрак ҳовучлаб юришга мажбур қилар эди.

Ана шунда Жаъфар ибн Абу Толиб хотини ва бир неча шериклари билан Ҳабаш тупроғига ҳижрат қилишга Расулуллоҳ САВдан рухсат олди. Алайҳис-салом уларга маҳзун ҳолда жавоб бердилар. Шундай ажойиб, покиза кишиларнинг болалик ва йигитлик даврлари ўтган диёрларини ҳеч қандай гуноҳсиз, фақатгина «Роббимиз Оллоҳ» деганлари учунгина ташлаб кетишга мажбур бўлганликлари Расулуллоҳга жуда оғир ботди.

Лекин, Расулуллоҳ қурайшнинг озорларини даф қиладиган ҳеч қандай куч ва қувватга эга эмас эдилар.

Биринчи муҳожирлар карвони Ҳабашистонга жўнади. Уларнинг бошлиғи Жаъфар ибн Абу Толиб эди. Улар одил ва солиҳ ҳабаш подшоси Нажоший паноҳида қарор топдилар.

Улар бу ерда мусулмон бўлганларидан бери биринчи марта тинчлик таъмини тотдилар ва ибодат ҳаловатини ҳис қилдилар.

Лекин, қурайшликлар мусулмонлардан бир қисми Ҳабаш ерига кўчиб кетгани ва у ернинг подшоси ҳимоясида ўз динлари ва эътиқодларини тутиб, тинчомон яшаётганини билгач, бирбирларини ўша муҳожирларни ўлдиришга ёки тутиб олиб келишга қайрай бошладилар.

***

Энди шу ерда сўз навбатини Умму Саламага берамиз. У ўз кўзи билан кўрган ва қулоғи билан эшитганларини бизга сўзлаб беради. Умму Салама шундай дейди:

Шунда Нажоший мажлис чақириб, бизга юзланиб сўради: — «Қавмларингизнинг динини ташлаб, менинг ҳам, бошқа бирорта миллатнинг ҳам динига кирмай, ўзингиз учун танлаган дин қандай дин?».

Жаъфар ибн Абу Толиб олдинга чиқиб шундай жавоб берди:

— Эй подшоҳ! Биз санамларга сиғинадиган, ўлимтик ейдиган, фаҳш ишларни қиладиган, қариндошчиликни узадиган, қўшничиликни унутадиган жоҳил кишилар эдик. Кучлиларимиз заифларимизнинг ҳақини ер эди. То Оллоҳ таоло бизга ўзимиз унинг насаби ва ростгўйлигини, омонатдорлиги ва покизалигини яхши биладиган пайғамбарни юборгунича шундай ҳолда қолдик. У пайғамбар бизни ёлғиз Оллоҳга ибодат қилишга, ўзимиз ва оталаримиз сиғинаётган санамлар ва бутларни ташлашга чақирди. У бизга рост гапиришни, омонатни адо қилишни, қариндошчиликни тиклашни, қўшнилар билан яхши муомалада бўлишни, ҳаром нарсалардан тийилишни ва ноҳақ қон тўкишдан сақланишни буюрди. Бузуқ ишлардан, ғийбатдан, етимнинг молини ейишдан ва покиза хотинларга туҳмат қилишдан бизни қайтарди. Оллоҳнинг Расули яна бизга ёлғиз Оллоҳга сиғинишни, унга ҳеч нарсани шерик қилмасликни, намоз ўқишни, закотни адо қилишни ва рамазон рўзасини тутишни буюрди... Унга ишондик ва иймон келтирдик, Оллоҳ ҳузуридан олиб келган нарсасига эргашдик, ҳалол деган нарсасини ҳалол, ҳаром деган нарсасини ҳаром деб билдик. Қавмимиз бўлса, эй подшоҳ, бизни мана шу динимиздан бездириб, яна бутларга ибодат қилишга қайтариш учун жуда кўп азоблади, қийнади.

Улар бизни динимиздан қайтариш учун ҳаддан зиёд сиқувга олишгач, сизнинг шаҳрингизга келдик, сизнинг қўл остингизда зулм кўрмаймиз, деган умид билан келдик.

Шунда Нажоший Жаъфар ибн Абу Толибга қараб, — «Пайғамбарингиз сизга Оллоҳ ҳузуридан олиб келган нарсадан бирор нарса биласанми?» — деб сўради. Жаъфар «ҳа», деб жавоб берди. Нажоший «Ўқи» деди. Ҳазрат Жаъфар «Марям» сурасининг бошидан бир неча оят ўқиди:

«Коф, Ҳо, Йа, Айн, Сод.

(Эй Муҳаммад, ушбу) Парвардигорингиз Ўз бандаси Закариёга қилган марҳаматининг зикриссасидир. Эсланг, у Парвардигорига хуфёна дуо-илтижо қилиб, деган эди: «Парвардигорим, дарҳақиқат менинг суякларим мўртлашди. Кексаликдан бошим — сочим оқарди. Парвардигорим, мен Сенга дуо қилиб, (ҳеч қачон) ноумид бўлган эмасман.»

Жаъфар ибн Абу Толибдан Оллоҳнинг калимасин тинглар экан, Нажоший йиғлаб юборди. Ҳатто соқоли кўз ёшидан жиққа ҳўл бўлди. Усқуфлари (епископлари) ҳам очиқ турган китобларини йиғлаб, ҳўл қилиб юборишди.

Шунда Нажоший бизга қараб:

— Шубҳасиз, сизларнинг пайғамбарларингиз келтирган нарса билан Исо алайҳис-салом олиб келган нарсанинг манбаси биттадир, — деди.

Сўнгра Амр ибн Ос ва унинг шеригига юзланиб:

— Сизлар эса кетаверинглар. Оллоҳга қасамки, буларни икковларингга топшириб қўймайман, — деди узил-кесил қилиб.

Нажошийнинг ҳузуридан чиқишимиз билан Амр ибн Ос бизга эшиттириб, шеригига шундай деди: «Оллоҳга қасамки, эртага Нажошийнинг олдига кириб, буларга нисбатан ғазаб уйғотадиган бир ишларини айтиб бераман, шунақа қиламанки, подшо буларнинг уруғини қуритиб ташлайди», деди.

Абдуллоҳ ибн Робиа унга: «Худо хайрингни берсин, ундай қилмагин, улар динимизга қарши бўлса ҳам, бизнинг қариндошларимиз бўлади», деб ялинди. Амр унга «Бас қил, — деб жеркиди. — Эртага подшоҳга «Булар «Исо қул бўлган», — деб айтишади», дейман, ана шундан кейин кўрамиз нима бўлишини».

Эртасига Амр ибн Ос Нажошийнинг ҳузурига кириб, «Эй подшоҳ, ўша сизнинг қўл остингиздан бошпана топганлар Исо ибн Марям хусусида ёмон гаплар гапиришади. Уларни бу ерга чақириб, шу ҳақда бир сўраб кўрсангиз», деди.

Умму Салама давом этади:

— Бу гапдан хабар топгач, жуда оғир аҳволда қолдик. Агар пошшо Исо ибн Марям ҳақида сўраб қолса, нима деб жавоб берамиз, — деб ташвишлана бошладик. Кейин бу ҳақда пайғамбаримиз айтган Оллоҳ таолонинг сўзидан бошқа ҳеч нарсани айтмасликка келишиб олдик. Бу сафар ҳам биздан фақат Жаъфар ибн Абу Толиб сўзлайдиган бўлди.

Нажоший бизни чақиргач, ҳаммамиз унинг ҳузурига кирдик. Подшоҳ ва унинг мулозимлари худди аввалги кирганимиздагидек ҳолатда ўтирар эдилар. Амр ибн Ос билан шериги ҳам шу ерда эди. Биз киришимиз билан Нажоший шошиб сўради:

— Исо ибн Марям ҳақида нима дейсизлар?

Жаъфар ибн Абу Толиб жавоб берди:

— У ҳақда пайғамбаримиз нима деган бўлса, шуни айтамиз.

—Пайғамбарингиз нима деган?

— У Оллоҳнинг бандаси ва Расулидир, ҳамда Марямга аврога бахш этган руҳи ва калимасидир.

Нажоший Жаъфарнинг сўзини эшитгач, деди:

— Оллоҳга қасамки, Исо ибн Марям худди пайғамбарингиз айтгандай бўлган...

Нажошийнинг атрофидаги битриклар унинг гапларини инкор қилган оҳангда ғудурлашди. Нажоший уларга «Жим бўлинглар», дуб буюрди ва бизга юзланиб:

— Борингглар, бемалол яшайверинглар. Ким сизларни сўксса, жарима тўлайди, ким сизларга қарши чиқса, жазоланади. Оллоҳга қасамки, сизлардан бирортангизга бирор ёмонлик эвазига менга олтин тоғ ваъда қилинса ҳам, рози бўлмас эдим, — деди.

Кейин Амр ибн Ос ва унинг шеригига қараб деди:

—Манави иккаласига эса олиб келган нарсаларини қайтариб беринглар. Менга уларнинг совга-саломи керак эмас.

Умму Салама айтади:

— Амр ибн Ос ва унинг шериги ўсал бўлиб, ғазабларини ичига ютганча, чиқиб кетишди. Биз эса Нажошийнинг ҳимоясида соғ-омон яшай бошладик.

***

Жаъфар ибн Абу Толиб ва унинг хотини Нажошийнинг мамлакатида ўн йил тинч ва хотиржам яшадилар.

Ҳазрат Жаъфар ҳижратнинг еттинчи йилида Ҳабаш тупроғини тарк қилиб, бир неча нафар мусулмонлар билан бирга Ясрибга қараб йўлга чиқди. Улар Мадинага етган пайтларида Расулуллоҳ ҳам Ҳайбар қалъасини фатҳ қилиб қайтаётган эдилар. Расулуллоҳ Жаъфарни кўриб, қаттиқ қувондилар ва «Қайси бирига кўпроқ суюнай, Ҳайбар олинганигами ва ё Жаъфарни келганигами?», деб айтдилар.

Жаъфарнинг қайтганига ҳамма мусулмонлар севиндилар, айниқса, камбағал мусулмонларнинг қувончи Расулуллоҳникидан кам эмас эди. Жаъфар заифлар ва камбағалларга ниҳоятда меҳрибон бўлганлиги учун «мискинлар отаси» деб ном олган эди.

Бу ҳақда Абу Ҳурайра шундай ҳикоя қилади: «Биз камбағаллар учун энг яхши одам Жаъфар ибн Абу Толиб эди. У бизни уйига олиб кетиб, бор нарсаси билан қорнимизни тўйдирарди. Агар уйида овқати тугаб қолса, ёғ солинадиган мешини олиб чиқиб берар, ҳолбуки, унда ҳеч нарса бўлмас эди, биз эса уни ёриб, ичидаги ёғ юқини ялар эдик».

Жаъфар ибн Абу Толиб Мадинада узоқ турмади.

Ҳижратнинг саккизинчи йили Расулуллоҳ Шомдаги Рум аскарларига қарши урушгани қўшин тайёрладилар: «Зайд ўлдирилса ёки яраланса, Жаъфар ибн Абу Толиб бошлиқ бўлсин, агар Жаъфар ўлдирилса ёки яраланса, Абдуллоҳ ибн Равоҳа бошлиқ бўлсин, агар Абдуллоҳ ибн Равоҳа ҳам ўлдирилса ёки яраланса, мусулмонлар ўз ичларидан бир кишини бошлиқ қилишсин».

Мусулмонлар Шомнинг шарқ тарафидаги Иордан тупроғида жойлашган Муъта деган қишлоққа етганларида румликлар уларга қарши юз минг кишилик қўшин тайёрлаганлигини, Лахм, Жузом, Қузоа ва бошқа қабилалардан иборат насоро араблар ҳам яна юз минг қўшин билан Румга ёрдам учун келганини билдилар.

Мусулмонларнинг қўшини эса уч минг кишидан иборат эди, холос.

Иккала қўшин тўқнашди ва уруш қизигандан қизиди. Зайд ибн Ҳориса душман билан олиша-олиша ҳалок бўлди.

Шунда Жаъфар ибн Абу Толиб ўзининг малларанг отидан тез сакраб тушиб, душман кейин фойдаланмаслиги учун отининг пайларини кесди, сўнг байроқни қўтариб, Рум аскарлари сафига ёриб кирар экан шундай шеър айтар эди:

Жаннат ажиб юксакдир,
насиб этган инсонга,
Шароби жон роҳати,
болдек ширин маконга.
Ирқи ўзга румликлар —
шум ниятли ёмонга,
Дўзах қаъри ланг очиқ,
динни ипкор этганга.
Мард бўлсанг гар биз
тайёр, қани тушгин майдонга.

Жаъфар душман орасида қиличи билан жавлон уришда давом этди. Ўнг қўли чопиб ташлангач, байроқни чап қўлига олди, чап қўли ҳам чопилгач, иккала қўлининг қолгани билан байроқни кўкрагига қисиб олди. Кўп ўтмай иккинчи зарба тегиб, Жаъфарни иккига бўлиб юборди. Шундан кейин байроқни Абдуллоҳ ибн Равоҳа олди. У ҳам аввалги икки шериги каби ҳалок бўлгунча жанг қилди.

Расулуллоҳга учала аскар бошлиғининг ўлими хабари келгач, уларга қаттиқ қайғуриб, амакисининг ўғли Жаъфар ибн Абу Толибнинг уйига йўл олдилар. Жаъфарнинг хотини Асмо эрини кутиб олишга тайёргарлик кўриб, хамир қораётган ва болаларини ювинтириб-ясантираётган эди...

Асмо бинти Умайс разияллоҳу анҳонинг ўзи бу ҳақда шундай дейди:

— Расулуллоҳ бизникига келганларида муборак юзларини ғам пардаси қоплаб олганини кўриб, юрагимга қўрқинч тушди. Жаъфар ҳақида бирон ёмон хабар эшитиб қолишдан қўрқиб, у ҳақда савол беришдан ҳам чўчидим. Саломлашгач, «Жаъфарнинг болаларини олиб кел», дедилар. Мен болаларни чақирдим. Болалар Расулуллоҳнинг олдиларига қувониб югуриб келишди. Расули карим болаларни суйиб эркалатдилар. Улар Расулуллоҳни бир-бирларидан қизғанар эдилар. Расулуллоҳ болаларга энгашиб, уларни ўпиб, ҳидлай бошладилар, муборак кўзларидан эса дув-дув ёш оқарди. Мен: «Эй Расулуллоҳ, ота-онам сизга фидо бўлсин, нега йиғлаяпсиз?! Жаъфар билан шерикларига бирон гап бўлдими?», дедим.

— Ҳа, улар бугун шаҳид бўлишди...

Оналарининг йиғисини эшитиб, болаларнинг юзидан севинч йўқолди ва ҳаммалари турган жойларида қотиб қолишди.

Расулуллоҳ кўзларидан ёшни артиб, дуо қилдилар:

— Эй Оллоҳ, Жаъфарнинг болаларига бир ўринбосар бер... Эй Оллоҳ, Жаъфарнинг аҳлига бир ўринбосар бер...

Кейин яна шундай дедилар:

—Жаъфарни жаннатда кўрдим. Унинг қонга бўялган иккита қаноти бўлиб, кўкраги ҳам қип-қизил қон эди...

— Умрингдан барака топ, қизим!

ТОҒЛАРГА ТОШ ОТМАНГ

КЎНГИЛДАГИ КЎЧИРМАЛАР

АЁЛ ШУНДАЙ ЗОТКИ, унинг руҳида маъюсликка табиий бир эҳтиёж мавжуд. У ҳар қандай даврада, ҳар қандай шароитда ўзи учун муаммолар, изтироблар кашф қилишга қодир...

***

ҲАЁТ БАРИБИР ЯХШИ! Ҳеч қандай илинжим қолмади деганингизда ҳам — ҳеч бўлмаса яхши бир туш кўриб ёки чанқаган пайтингизда бир пиёла муздек сув симириб ҳам роҳатланишингиз мумкин.

***

СИЗ БИЛАН БИЗ бир биридан олис ва душман кишилардек кўринсакда, аслида бу тўқнашувлар бизларни анча-мунча яқинлаштириб қўйди, шекилли.

***

АТИРГУЛЛАРГА ҲАЙРОНМАН: кесганинг сари ғунчалайди, кесиб турмасанг очилмайди ҳам.

***

ТОҒЛАРГА ТОШ ОТИБ овора бўлманг, барибир нишонга уролмайсиз, тоғлар алдамчи.

***

ҲАЁТДА ЗЕРИКМАЙ яшашнинг ўзи бахт. Бекорчилик энг оғир бахтсизликдир.

***

ЖИМ ТУРГАН КИШИНИ ит ҳам яхши кўради, қувламайди, қопмайди.

***

ОДАМ БИРОВ БИЛАН муштлашмагунча ўзининг кучли ёки кучсиз эканлигини билолмайди.

***

ЁМОНЛАР БИЛАН ЯШАШНИНГ ҳам афзал томонлари бор, доимо яхшироқлигингни ҳис қилиб турасан.

***

КЎНГИЛНИНГ ИЧИДА ҳеч нарса йўқолмайди.

***

ҲАЁТ ЖУДА ҚИЗИҚ: биров сени севганинг учун қийнайди, биров севмаганинг туфайли азоб беради.

***

КАТТА ВА МУҲИМ ишларни уддалашга кўзлари етмай қолганда одамлар майда нарсалар хусусида баҳслаша бошлайдилар.

***

МЕН ЎТГАН ИШЛАР учун эмас, бўладиган ишлар учун азият чекаман, лекин бўлдирмасликнинг иложини сира тополмайман.

***

ИШ БИЛАН МАШҒУЛ бўлиш яхши. Ўз ташвишларинг бироз унутилади. Баъзан жисмонан чарчаганинг билан руҳан дам оласан, киши.

***

У БОЛАЛАРИНИ ЧИРОЙЛИ кўғирчоқни яхши кўрганчалик яхши кўради.

***

ОДАМ КАЙФИЯТИ ЯХШИ пайтлардагина яхши кўрган кишиларига кўрингиси келади. Мен сизни йўқламай қўйган бўлсам — билингки — кайфиятим ёмон.

***

ШУНЧАКИ АЙТИЛГАН ГАП ростга ҳам, ёлғонга ҳам кирмайди. Яхшиси, бунақа гапни айтмаслик керак.

***

АГАР ЮМУШЛАРИМ ЙЎЛИМДА кўндаланг бўлиб турмаганларида, мен аллақачон йўқликка сингиб кетган бўлардим.

***

НИМА УЧУН БОЛАЛАР баланд бўлгиси келади. Ҳамиша «кўтаринг» деб ялинишади. Баланддан дунё чиройли кўринса керак-да!

***

ИЛГАРИЛАРИ БИРОВ хушомад қилса, бетоқат бўлиб кетардим. Ҳозир шундан ҳам кўнглим кўтарилади. Бефарқ эмасликларидан таскин топгандек бўламан. Улғайганим шудир-да!

***

ОДАМ ҚАНЧА КЎП мулоҳаза қилса, шунча кўп янглишади, шекилли.

***

ҚИЗҒАЛДОҚНИ УЗМАНГ! Бусиз ҳам унга қисқа умр берилган.

***

ҲАЁТДА ШУНДАЙ енгил ишлар бўладики, уларни бажариш ғоят мушкул, шундай оғир юмушлар ҳам бўларканки: улар жуда осон — ўз-ўзидан бажарилиб кетавераркан. Бунинг боиси нимайкин?

***

БИРОР ЖИДДИЙ ИШ ёки ижод билан машғул бўлганда уч кечаю уч кундуз ухламаса ҳам одамга сезилмайди. Ҳорғинлик жангдан сўнг — ҳаммаси ўтиб кетгандан кейин бошланади.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА

ЭЪЛОН

«МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» МАРКАЗИ ЧОРЛАЙДИ

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Шуур» ижодий жамоаси, Республика «Меҳр-шафқат» жамғармаси, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳамкорлигида «МЕҲР ҚОЛУР» деб аталган шеър ва қўшиқ кечаси ўтказмоқда.

Кечада: Ўзбек халқининг севимли шоирлари, **«Дуторчи қизлар»** дастаси ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: **Насиба АБДУЛЛАЕВА, Рушана СУЛТОНОВА,** хонанда **Мавлуда АСАЛХЎЖАЕВА,** раққоса **Раъно ЗОКИРОВА**лар иштирок этадилар.

Адабиёт ва санъатимизнинг атоқли намоёндалари Ўзбекистон халқ шоираси — **ЗУЛФИЯ,** Абадиётшунос олима **Фозила СУЛАЙМОНОВА.**

Ўзбекистон халқ артистлари:, **Сора ЭШОНТЎРАЕВА, Ҳалима НОСИРОВА, Берта ДАВИДОВА, Коммуна ИСМОИЛОВА, Галия ИЗМАЙЛОВА, Насиба ҚАМБАРОВА** кечамиз меҳмони бўладилар.

Анжуман 22 сентябр соат 17.00 да бошланади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар Отатурк кўчаси, 24-уй.
Аввалги Билимлар уйи

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
Муассис: Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган

Буюртма: Г — 0376

10000 нусхада босилди

Сотувда нархи эркин

Ҳажми 2 босма табоқ

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди

Манзилимиз: Тошкент 83, Матбуотчилар кўчаси 32. Тел.: 33-50-18.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Навбатчи муҳаррир — Муҳаммад Исмоил

1 2 3 4 5 6